

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.6 + 336.65

НУРҚУЛОВ ХУСНИДДИН АБДУМАЖИДОВИЧ

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИНИ КОМПЛЕКС АУДИТ
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мутахассислик: 5А340901-«Бухгалтерия ҳисоби»

(Тармоқлар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф.,
А.А. Ҳошимов _____

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит	
боб. ўтказишнинг моҳияти ва унинг назарий жиҳатлари	8
1.1. Комплекс аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари.....	8
1.2. Корхоналарда комплекс аудиторлик текширувнинг ҳуқуқий асослари.....	15
1.3. Комплекс аудиторлик текширувнинг олиб борилиши ҳамда якуний босқичи	23
I боб бўйича хулоса	28
II Пахта тозалаш корхоналарининг молиявий ҳолати	
боб. аудити	30
2.1. Маблағлар ва маблағлар манбалари таркибининг таҳлили.....	30
2.2. Молиявий аҳвол - тўлов қобилияти, ликвидлик, молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг аудити.....	38
2.3. Ишлаб чиқариш рентабеллигининг аудити ва иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили.	46
II боб бўйича хулоса	50
III Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказишни	
боб. такомиллаштириш йўналишлари	52
3.1. Ҳозирги шароитда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш йўллари	52
3.2. Пахта тозалаш корхоналарида ички аудит хизматини такомиллаштириш.....	55
3.3. Корхоналарда комплекс аудит ўтказиш тартибини такомиллаштириш.....	62
III боб бўйича хулоса	67
Хулоса	69
Иловалар	71
Адабиётлар рўйхати	78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чуқурлаштирилиши натижасида пахта тозалаш саноати корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аудиторлик текширувидан ўтказиш, ҳамда ҳисоб- китобни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турлардаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизматнинг - аудиторлик фаолиятига эҳтиёж янада кучаймоқда.

Бундай фаолиятнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, корхона молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиб турадиган бухгалтерия ҳисоби тизими, фаолият натижаларини баҳолайдиган жорий ва йиллик ҳисоботларнинг қонунийлигини тасдиқлаш ҳамда корхоналар фаолиятини янада иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун тегишли хулосалар беришдан иборатдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «...Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди....»¹.

Сўнги йилларда аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ 2000 йил 26 майда янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасида қайд этилган корхоналар ва ташкилотлар таркибига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 18 январь 2013 йил.

кредиторлар, мол етказиб берувчилар, акциядорлар ва бошқа инвесторлар олдида маълум иқтисодий ишончга эга бўлишни истаган хўжалик юритувчи субъектлар ўз молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказишлари шарт.

Комплекс аудиторлик текширувининг вазифаси - бу корхонанинг молиявий ҳисоботлари, унинг молиявий ҳолати ва фаолият натижаларини қай даражада ҳаққоний акс этиши тўғрисида малакавий хулоса беришдан иборатдир. Аудиторлар дастлабки ҳужжатлар, пул маблағлари қолдиқларини текширишлари, корхонада товар-моддий захиралар, асосий воситалар ва номоддий активларни инвентарлаш ҳақиқийлигини аниқлашлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳаққонийлигини текширишлари, ички хўжалик назорат тизими самарадорлигини аниқлашлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилаётганига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказиши корхоналарнинг тўлиқ молия - хўжалик фаолиятини ўз ичига қамраб олиб, комплекс аудит ўтказишини такомиллаштириш битирув малакавий ишининг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимиздаги пахта тозалаш корхоналарининг фаолияти олинади.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқот ишининг предмети пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказиш тартиби ва уни ривожлантириш истиқболларининг ташкилий, ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатларини ўзида бириктирувчи итисодий муносабатлар тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказиш тартиби ва уни ривожлантириш истиқболларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Комплекс аудит ўтказишда халқаро стандартлар асосида ташкил этиш муаммоларини тадқиқ этиш;

- Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг аудити ташкил этишни тақомиллаштириш;

- Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказишда корхонада молиявий ҳисобот шакллар аниқлигини тақомиллаштириш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқиш;

- Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудиторлик текширувларини ташкил этиш бўйича услубий ишланмалар тақлиф этиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Пахта тозалаш саноати корхоналарида комплекс аудит ўтказиш тартибининг назарий ва услубий жиҳатлари олимлар ҳамда амалиётчилар эътиборини ўзига қаратиб, жуда кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит бўйича илмий тадқиқотларнинг иқтисодий мазмуни, объект ва субъектлари, уларни оптималлаштириш масалалари хорижлик олимлардан А.Ф.Аксененко, А.Д.Шеремет, В.Э.Керимов, В.Ф.Палий, Р.Кэмпбелл, С.Фишер, А.Шенк, каби олимлар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан А.Абдуллаев, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Э.А.Акрамов, А.К.Ибрагимов, О.М.Жуманов, М.М.Тўлахўжаева, Б.А.Хасанов, Д.К.Кудбиев, Ҳ.Н.Мусаев, К.Б.Ўразов, Ш.У.Ҳайдаров, Э.Гадоев, ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида олиб борилаётган илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ.

Қисқача адабиётлар таҳлили. Президентимиз маърузалари, диссертация мавзусига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тадқиқот

жараёнида бир қатор олимлар ва амалиётчиларининг илмий, ўқув - услубий ишлари ўрганилиб, муаллиф исми шарифи келтирилган ҳолда фойдаланилди.

Тадқиқот қўлланилган услублар. Диссертацияда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция ва бошқа иқтисодий статистик услублар қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказиш тартибида бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритиш, аудитининг ҳолисона ўтказиш орқали ички имкониятларидан самарали фойдаланишни такомиллаштиришдан иборат.

Диссертация ишининг илмий хулоса ва амалий тавсиялари, пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказишни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, илмий ишдаги назарий аҳамиятга молик таклиф ва тавсияларни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқув жараёнига тадбиқ этиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодийни модернизация қилиш шароитида унинг аграр секторида пахтани қайта ишлаш тармоғи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни турли шаклларда назоратни олиб боришни ташкил этишнинг иқтисодий зарурлигини назарий жиҳатдан асосланди;

- пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказиш тартиби ва уни ривожлантириш истиқболларини белгилашда, тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларни туркумлаштиришнинг илмий тамойилларини ишлаб чиқилди;

- харажатлар ҳисоби ва аудитнинг амалдаги ҳолатини чуқур таҳлил этиш орқали таннарх калькуляциясининг турлари ва усуллари туркумлаштирилди;

- ишлаб чиқариш харажатларининг бошланғич ва йиғма ҳисобини оқилона ташкил этиш бошқарув тизими учун ахборот таъминоти эканлигини илмий асосланди;
- ишлаб чиқариш корхоналарида логистик бошқаришнинг зарурияти ва моҳияти асосланди;
- пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказишнинг усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, 6 жадвал, 3 расм, ҳар бир боб бўйича хулоса, умумий хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ҳолда умумий 81 бетдан ташкил топган.

I боб. Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказишнинг моҳияти ва унинг назарий жиҳатлари.

1.1. Комплекс аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари.

Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудиторлик фаолияти аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия (молия) ҳисоботини, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларини ҳамда талабларини мустақил текширишларини амалга оширадиган, шунингдек бошқа аудиторлик хизмати кўрсатадиган тадбиркорлик фаолиятидир.

Маълумки, ҳар қандай воқеа, ҳодиса, буюм қайси замонда ва маконда пайдо бўлишидан қатъий назар маълум зарурият туфайли юзага келади. Аудитга оид манбаларда таъкидланишича, уни қуйидаги шарт-шароитлар келтириб чиқарган:

- ахборот етказиб берувчилар (маъмурият) билан ахборотлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, банклар, акциядорлар, кредиторлар) манфаатларининг мос келмаслиги, натижада, улар ўртасида зиддиятли вазиятлар юзага келганида маъмурият томонидан нотўғри маълумотлар берилиши;
- нотўғри ахборотларга асосланган ҳолда хўжалик қарорларининг қабул қилиниши натижасида ноқулай иқтисодий аҳволга тушиб қолиниши ёки инқирозга юз тутилиши;
- иқтисодий ахборотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун зарур махсус билимларга эҳтиёж;
- ахборотлардан фойдаланувчиларда маълумотларни бевосита баҳолаш ва сифатини аниқлаш учун махсус малака, вақт ва материалларнинг етишмаслиги ва ҳ. к.

Мана шу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган аудиторлик хизматлари шакллана бошлади. Унинг асосий вазифаси ахборотлардан фойдаланувчиларга тақдим қилинадиган ҳисоботлар тўғрисида холис фикр-мулоҳазалар билдиришдир. Аудиторлар етарли билим ва тажрибага, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва асословчи маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлганликлари учун бу вазифани малакали даражада бажарадилар. Бундан ташқари, улар корхона маъмуриятига бўйсунмайдиган ва унинг тазйиқларидан ҳолидирлар.

Айрим манбаларга кўра бухгалтер-аудитор касби XVII асрнинг ўрталарида Европанинг акциядорлик компанияларида акциядорлар, кредиторлар ва солиқ хизмати ходимлари ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал қилиб бериш зарурати туфайли шакллана бошлаган. Ўша пайтларда мустақил фаолият кўрсатиб, корхонанинг ишлаб чиқариш молия фаолияти тўғрисида аниқ хулоса берадиган мутахассисларга эҳтиёж кучайган.

Натижада, 1862 йили Англияда, 1867 йили Францияда, 1937 йили эса АҚШда мажбурий аудит тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзининг ташкилий ҳуқуқий инфратузилмаларига эга бўлган аудит институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Аудиторлик касби турли хил мамлакатларда турлича номланиб келинган. Масалан, Америкада жамоатчи-бухгалтер, Францияда бухгалтер эксперт ёки счётлар бўйича комиссар, Германияда хўжалик назоратчиси, ёки китоблар (Das Buch) назоратчиси, қатор англо-саксония мамлакатларида компаниянинг молиявий фаолиятини назорат қиладиган тафтишчи кабилар.

Аудиторлик фаолиятининг ривожланишига 1929-1933 йилларда жаҳон иқтисодий таназзули катта туртки бўлди. Бу даврда акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг кўпчилиги инқирозга юз тутдилар. Натижада ҳисоботларни, хусусан, баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги

ҳисобот маълумотларини тасдиқлаш тартибини қатъий белгилаш, уларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини мустақил аудиторлар томонидан текшириш эҳтиёжи юзага келган .

Аудит XIX аср ўрталарида Шотландияда ҳам вужудга кела бошлаган.

Инглиз темирўлчилари, суғурта ва бошқа инвесторлар Шимолий Америкага йўл олишганида улар билан бирга йирик инглиз сармоядор (кредитор)ларининг манфаатларини ҳимоя қиладиган мустақил тафтишчи-аудиторлар ҳам бирга борганлар.

1844 йилда Англияда акциядорлик компанияларининг бухгалтерия счётларини, акциядорларга бериладиган ҳисоботларни йилига камида бир марта мустақил бухгалтерлар текширувидан мажбурий ўтказилишини талаб қиладиган қонунлар чиқарилган.

Дастлаб аудиторлик вазифалари аниқ белгиланмаган бўлиб, барча инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар аудиторларни ўзларининг ҳимоячиси сифатида қабул қилганлар.

Аудиторлар ҳақида уларни акциядорлар олдидаги масъул шахслар деб караш 1929 йилда «Компаниялар тўғрисидаги қонун» чиқарилиши билан ўзгарди. Ушбу қонунга мувофиқ барча компаниялар ўзларининг молиявий ҳисоботларида фойда ва зарарларни мажбурий равишда кўрсатишлари белгилаб қўйилди.

Аудитор-лотинча «аудит» - тингловчи, шогирд, издош сўзидан олинган бўлиб, корхонанинг маълум даврдаги молия хўжалик фаолиятининг аҳолини текширувчи шахсдир. Аудитор тафтишчидан ўз моҳияти, ҳужжатларни текширишга ёндашуви, мижозлар билан ўзаро муносабати, текшириш натижалари юзасидан чиқарган хулосалари ва бошқалар бўйича фарқ қилади.

Комплекс аудит молиявий кўрсаткичларнинг ишончлилигини таъминлабгина қолмай, яна шуниси ҳам муҳимки, харажатлардан оқилона фойдаланиш ва фойдани кўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятини

яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради. Комплекс аудитни бизнеснинг ўзига хос экспертизаси сифатида таърифлаш мумкин.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга булган юридик шахсдир. Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир. Аудиторлик ташкилотлари очик турдаги акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қуйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

- аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши керак (чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тўзилган ҳолат бундан мустасно); аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камида икки аудитордан иборат булиши керак;

- аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор булиши керак;

- аудитор ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд булиши керак.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритади. Аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти ва аудитор касби ҳозирги кўринишида ҳозирги вақтда мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда 1993 йилдан бошлаб пайдо бўлди.

Мустақил бухгалтер-аудитор касби ўтган асрда Европа акциядорлик жамиятларида пайдо булди. Бу акциядорлик жамиятининг ҳисоботида ҳолис баҳо бериш, корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли маълумот олиш эҳтиёжи туфайли пайдо булди. Бу объектив

маълумотларни фақат мустақил булган холис мутахассис бериши мумкин эди.

Бухгалтер-аудиторлар Буюк Британияда XIX асрнинг ўрталарида пайдо булганини таъкидлаш мумкин. 1862 йилда Англияда, Францияда 1867 йилда, АКШда 1937 йилда мажбурий аудит тўғрисида қонун қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда дунёда «Катта тўртлик» деб аталган йирик компаниялар ва фирмалар мавжуд, булар: «Эрнет Энд Янг Интернэшнл ЛТД», КПМГ(Клинвелъд Пит Марвик Герделер), «Делойт энд туш», энд Лайбрэнд Интернэшнл», «Прайс Уотерхоуз-Куперз»лардир. Аудиторлик компанияларининг хизмати жуда юқори баҳоланади.

Аудиторлик фаолияти ривожланиши билан боғлиқ ҳолда аудиторлик кўрсатадиган хизмат турлари кўпайиб ҳажми ортиб бормоқда. Сўнги 25 йилда аудиторлик амаллари узлуксиз ривожланди тараққиётни уч босқичга ажратиш мумкин: тасдиқловчи босқич, тизимга қаратилган босқич ва хатарга асосланган босқич.

Аудиторнинг тасдиқловчи босқичи шуниси билан фарқланганки, аудитор- бухгалтер текшириш ўтказиш чоғида ҳар бир хўжалик операциясини текшириб, уни тасдиқлаган, бухгалтер билан мажозий равишда уз ҳисоб регистрини тузган.

Ҳозирги вақтда бундай хизмат ҳисобни қайта тиклаш ёки ҳисоб юритиш деб атаган булар эди.

Аудит- тадбиркорлик фаолияти, яъни фойда олишга қаратилган фаолиятдир, шу сабабли аудиторлар текшириш сифатини пасайтирмаган ҳолда текширишга кетадиган вақтни имкони борича қисқартирадиган усулларни қўллашлари керак.

Чунончи, 2011 йилда дунёдаги барча аудиторлик фирмаларининг даромади 6,5 миллиард долларни ташкил этди. 1-жадвалда жаҳондаги йирик аудиторлик - консалтация ташкилотлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

1.1.1-жадвал.

**Жаҳондаги йирик аудиторлик - консултатив ташкилотларининг
тавсифи, 2010-2011 йиллар²**

Т/р	Фирмаларнинг Номи	Йиллик даромад, миллион доллар		2011 йилги ўсиш %	Офис- лари очилган мамла- катлар сони
		2010	2011		
1	Прайс Уотерхаускуперс	10655	9475	112,5	142
2	КПМГ	7500	6600	13,6	142
3	Эрнет энд Янг	6670	6015	14,2	141
4	Делойт энд Туш	5950	5200	14,4	126
5	БДО Биндер	1230	1155	6,5	80
6	Грант Торнтон интернэшнл	1200	1096,8	9,5	81
7	Морес Рошалд Интернэшнл	922,0	788,0	17,0	75
8	Рем Интернэшнл	871,0	784,0	11,1	80
9	Саммий Интернэшнл	754,2	672,0	12,2	60
10	Пенел Керр Фостер	720,0	649,0	10,9	94
11	Хорват Интернэшнл	590,0	536,0	10,1	87
12	Нексия Интернэшнл	589,0	562,0	4,8	74
13	ЛБ Интернэшнл	536,0	482,0	11,2	92

Комплекс аудиторлик фаолиятининг мақсади ва вазифаларини кўриб чиқайлик. Юқорида таъкидланганидек, аудитнинг асосий мақсади – аудит ўтказилаётган объект тўғрисида ҳолисона, ҳақиқий, аниқ маълумот бериш. Аудиторлик – назоратнинг алоҳида, мустақил шаклидир. Комплекс аудиторлик хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботининг тўғрилиги, тўлалиги ва амалдаги қонунларга ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишга, молиявий ҳисобот тузишга қўйиладиган талабларга мослигини аниқлаш мақсадида бу молиявий ҳисоботни мустақил экспертиза ва таҳлил

² Ушбу маълумотлар тадқиқотчи томонидан интернет маълумотлари асосида тўпланган ва тузилган.

қилишдир. Асосий аудиторлик фаолиятини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари (талаблари): текширишни ўтказиш чоғида мустақиллик, объективлик, махфийлик ҳисобланади.

Аудитнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- операцион аудит барча хўжалик операциялар ва жараёнлари тўлиқ аниқланиб, уларнинг иш самарадорлигига ва унумдорлигига бўлган таъсирини ўрганеди;

- молиявий ҳисоботлар аудитида бундай текширувлар молия ва бухгалтерия ходимлари томонидан ўтказилиб, асосан хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов қобилияти, молиявий натижаларнинг, ҳисоботларнинг қанчалик даражада тўғри акс эттирилишини ўрганеди.

Аудит икки турга яъни, ички ва ташқи аудитга бўлинади. Ички аудит ҳам ўз ўрнида икки турга: бошқарув аудити ва ишлаб чиқариш аудитига бўлинади. Ушбу босқичларнинг асосий негизи ташқи аудитнинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ бўлиб, хўжалик юритувчи субъект ички аудит тизимини ташкил этиш жараёнининг якуний бўғини деб айтишимиз мумкин. Ички аудит тушунчаси ҳақида бир қанча олимлар ўз фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтганлар.

Жумладан: “Ички аудит – корхона томонидан унинг ўз фаолиятини текшириш ва баҳолаш мақсадида ташкил этилган хизматидир” -деб, таъриф беради Халқаро Ички Аудиторлар институти.

Аудиторда зарур профессионал малака булиши, уни тегишли даражада Статистика ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланиш ўтказилган текширишларни юқори илмий даражада таҳлил қилишни ташкил этиш, қарор қабул қилиш учун янада объектив ва ишончли маълумотларни олиш имконини беради. Текшириш натижалари бўйича аудитор ишини ташкил этишда ва бухгалтерия ҳисобини юритишда мижозга ёрдам берадиган зарур тўғри хулосалар чиқариши мумкин.

Аудиторнинг масъулияти текширилаётган корхонанинг молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги ўз хулосаси учун жавоб беришида номоён

булади. Текширилаётган корхона раҳбарияти эса ҳисоботнинг ҳақиқийлиги учун жавобгардир.

Тасниф белгилари нуктаи назаридан аудитни ташқи ва ички аудитга ажратиш мумкин.

Ташқи аудит хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи тўғрилигига ҳолис баҳо бериш мақсадида аудиторлик фирмалари билан тўзилган шартнома асосида ўтказилади.

Ички аудит ташкилотда унинг ишини раҳбарлар манфаатларини кузлаб текшириш ва баҳолашга доир мустақил фаолиятдан иборат. Ички аудитдан мақсад ходимларга уз вазифаларини самарали бажаришга ёрдам беришдир. Ички аудитни бевосита шу фирманинг ўзида ишлайдиган аудиторлар амалга оширади.

Аудит корхона (ташкилот) раҳбарияти (ёки корхона муассислари) қарори билан ташаббусли (ихтиёрий) ёки ўтказиш қонунда бевосита белгиланган бўлса, мажбурий булади.

1.2. Корхоналарда комплекс аудиторлик текширувининг ҳуқуқий асослари.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги хусусан, пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга профессионал аудиторлик хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Аввало аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий тизимни иқтисодий ислохотлар талабларига мос равишда ривожлантиришга боғлиқ. Шу нуктаи-назардан, аудиторлик хизматларни ва аудиторлик фаолиятини самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан меъёрий-ҳуқуқий асосларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш натижасида корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти

самарали ташкил этиш учун аудиторлик текширувидан ўтказиш, ҳамда ўзаро ҳисоб-китобни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турлардаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизмат кўрсатадиган аудиторларга эҳтиёж янада кучаймоқда.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган натижаларни баҳолаш масалаларига янгича, замонавий ёндашув услублари жуда ҳам зарур. Бу мавжуд назарий, ташкилий – ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолар бўйича аудиторлик фаолиятининг сифатини ошириш, ҳамда республикамизда ташқи ва ички аудит текширувларини замонавий даражада ташкил қилиш ва уни ривожантириш борасида чуқур тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Бир томондан, аудиторлик фаолиятининг халқаро тажрибаларига тизимли ёндашиш, уларни чуқур таҳлил қилиш, бошқа томондан бозор иқтисодиётининг жаҳон ҳам жамиятида эътироф этилган ўзбек моделининг хусусиятлари тўғрисидаги билимларимиздан максимал фойдаланган ҳолда, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчилар учун назоратнинг махсус ташкилий шакли – аудитни истиқболли ривожлантириш зарурлиги аён бўлмоқда. Булар ўз навбатида мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатаида рўй бераётган

ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни мустақил аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Аудит соҳаси (иқтисодий субъектлар фаолиятини текшириш) ва унинг мақсади аниқлаб берилган. қонунда ихтиёрий (ташаббусли) аудиторлик текширишдан ташқари мажбурий текшириш ҳам келтирилган.

Янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 2000 йил 26 майда қабул қилинган қонунда аудиторлик фаолияти таркибига кирадиган иш турлари, аудиторлик фирмаларининг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳамда уларнинг буюртмачилар билан узаро муносабатлари белгилаб берилган. Аудиторлик текшириши натижаларини, ҳисобот ва аудитор хулосасини расмийлаштириш қоидалари келтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 октябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365 сонли қарорида аудитор мутахассис ҳуқуқини олиш учун аттестация амали ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензиялаш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон республикасида аудиторлик фаолиятининг иккита йўналиши бўйича малака аттестатлари ва лицензиялар булиши назарда тутилган:

- Умумий аудит (хўжалик юритувчи субъектлар бўйича аудит ўтказиш);
- Банк аудити.

Аттестациялашни ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябридаги 365-сон қарорига мувофиқ Аудиторлик фаолиятини

амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади. Мазкур низомга мувофиқ қуйидаги талаблари белгилаб қўйилган:

- Умумий қоидалар;
- Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;
- Лицензия олиш учун ҳужжатларни куриб чиқиш тартиби;
- Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби;
- Лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби;
- Аудиторлик ташкилотига нисбатан қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;
- Лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш;
- Лицензиянинг амал қилинишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш, тиклаш ва бекор қилиш тартиби;
- Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга булган аудиторлик ташкилотларининг реестрини юртиш;
- Лицензияловчи органнинг қарорлари устидан шикоят қилиш.

Аудитор малака сертификати жисмоний шахсга, башарти у аудиторлик ташкилоти штатида бўлса ёки у билан аудиторлик ташкилоти фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, аудиторлик текширувини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Малака сертификатига эга булган ҳар бир аудитор малака сертификатини олган йилдан кейинги йилдан эътиборан ҳар бир йил мобайнида республика аудиторлар жамоат бирлашмаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича 60 соатдан кам булмаган ҳажмда малака ошириш курсларини ўтиши шарт. Аудитор малака сертификати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, агар даъвогар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган бўлса, берилди.

Аудитор малака сертификатини олишга даъвогар куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий иқтисодий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга эквивалиент деб тан олинган олий иқтисодий маълумотга эга булиш ва охириги ўн йил ичида камида уч йиллик бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида ёхуд шу соҳаларда дарс бериш амалий иш стажига (шу жумладан ўриндошлик бўйича) эга булиш; ёки Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган иқтисодий бўлмаган олий маълумот ёхуд хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга эквивалиент деб тан олинган иқтисодий бўлмаган олий маълумот билан охириги ўн йил ичида камида 5 йил аудитор, бош бухгалтер, тафтишчи ёки солиқ инспектори сифатида иш стажига эга булиш, шу жумладан ўриндошлик бўйича; ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациялаш ўтказилганлиги шарти билан) олинган иқтисодиёт фанлари номзоди (доктори) илмий даражага эга булиш;

2) республика аудиторлар жамоат бирлашмаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган таълим дастури асосида аудиторларни тайёрлаш марказларида махсус тайёргарликдан ўтилиши Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи (САР)" ёки "Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (СІРА)" сертификатлаш доирасида профессионал бухгалтерларни халқаро сертификатлаш дастури бўйича "Молиявий ҳисоб" фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатнинг мавжуд булиши; "Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи (САР)" сертификатига ёки "Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (СІРА)"

сертификатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий соҳаларда 5 йилдан кам булмаган иш стажига эга булган даъвогарларга аудиторларни тайёрлаш марказларида махсус тайёргарликдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга рухсат берилади.

Аудитор малака сертификатини олишга даъвогар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида ариза (махсус шаклга биноан) билан тегишли ҳужжатларни топширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан малака имтиҳонларини топшириш бўйича махсус комиссия ташкил этилади. Комиссия таркибига молия вазирлиги, жамоат ташкилотлари олий таълим муассасалари ходимлари киритилиши мумкин. Имтиҳон комиссиясининг раиси этиб молия вазирининг муовини тайинланади.

Малака имтиҳонининг иккала босқичини бир кун давомида ўтказишга ижозат берилмайди. Тестлар, имтиҳон билетлари саволлари ва тўғри жавоб вариантларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика аудиторлар жамоат ташкилоти билан биргаликда Аудиторларни ўқитиш дастури асосида ишлаб чиқади.

Имтиҳон комиссияси раисининг имзоси қўйилмаган тест бланклари ва имтиҳон билетлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Тестлар ва имтиҳон билетларининг мазмуни қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга киритиладиган узгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда вақти-вақти билан қайта куриб чиқилади. Тестга дастурнинг барча булимларини акс эттирадиган камида 75 савол киритилади. Тест натижаларини ижодий деб эътироф этиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тўғри жавоблар миқдори имтиҳон тестларидаги мавжуд саволлар миқдорининг камида 75 фоизини ташкил этиши керак. Тест натижалари салбий деб эътироф этилган тақдирда даъвогар ёзма-оғзаки имтиҳонни топширишга қўйилмайди, унга тақдим этган ҳужжатлари қайтариб берилади.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш жаҳон амалиётида тўпланган тажриба ҳисобига олиниб шаклланмоқда.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонун асосий қонун ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Унда аудитнинг Молия – хўжалик фаолиятида унинг зарур тенг ҳуқуқли бир элементи сифатидаги ўрни белгилаб берилган. Мамлакатимиз учун бу жуда муҳим, чунки молиявий назорат тарихида унинг бошқа турларидан давлат назорати устун турар эди. Айни шу қонуннинг қабул қилиниши республикада аудит қарор топганини тасдиқлади.

Аудиторлик фаолияти стандартлар (қоидалар) билан меъёрий жиҳатдан тартибга солинади.

Аудит стандартлари тўрт турга бўлинади: умумий тизим стандартлари; ташкилий – технологик стандартлар, ҳисобот стандартлари; аудитнинг турлари (умумий аудит ва банк аудити) учун махсус стандартлар.

Стандартларни амалга ошириш учун зарур буладиган ҳужжатларда стандартларни қўлланишга, стандартлар асосида аудиторлик фаолиятини ташкил этишга доир маълумотлар булиши лозим.

Бир томондан аудиторлик ташкилотлари, иккинчи томондан миқозлар (текширилаётган ташкилотлар) муносабатлари шартнома асосида, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилади.

Аудиторлик фирмасининг тавсифи ва мақоми Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунда белгилаб берилган. Аввало аудиторлик фирмаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида кузда тутилган ҳар қандай ташкилий - ҳуқуқий шаклда (очиқ турдаги акциядорлик жамияти шакли бундан мустасно) булиши мумкин. Аудиторлик фирмаларининг кўпи масъулияти чекланган жамият шаклида экани аниқланган.

Фаолият тавсифи (бажарадиган вазифалари) бўйича аудиторлик фирмалари универсал ва ихтисослашган фирмаларга ажратилади.

Аудиторлик фирмалари аудиторлик фаолиятдан ташқари бирор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига ҳақли эмас.

Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми жиҳатидан аудиторлик фирмалари катта, ўрта ва кичик фирмаларга булинади. Бироқ уларнинг ўртасида аниқ чегара йўқ. Универсал фирмалар кўпинча катта ва ўрта булиши мумкин. Бу бажариладиган хизмат ҳажми штатдаги аудиторлар сонига қараб аниқланади. Бажариладиган хизматлар ҳажмининг асосий мезони хизматни бажаришдан тушган даромад ҳажмидир. Бунда, мамлакатимизда қабул қилинганидек, ўлчов бирлиги сифатида энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан фойдаланилади (2-жадвал).

1.2.1-жадвал.

Аудиторлик фирмалари таснифи

Аудиторлик фирмасининг номи	Ходимлар сони	Бир йилда хизматни бажаришдан тушган даромад ҳажми, энг кам меҳнат ҳақи ҳисобида
Кичик	10 нафаргача	5000 баравар
Ўрта	10 нафардан 50 нафаргача	5000 бараваридан 50000 бараваригача
Йирик	50 нафардан ортиқ	50000 бараваридан ортиқ

Ҳозирги вақтда республикада кичик ва ўрта аудиторлик фирмалари ташкил этилмоқда. Мамлакатимизда аудит ташкилотлари ривожланиши билан улар уюшмаларга, иттифоқларга ва бошқаларга бирлашади. Бундай бирлашмаларнинг мақсади аудиторлик фаолиятини тақсимлашдир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторлик хулосаси - бу ҳисоботнинг аниқлиги тўғрисида аудиторлик фирмасининг фикридир. Молиявий ҳисоботининг аниқлиги тўғрисидаги фикр ҳисоботнинг барча жиҳатлари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатга мувофиқлиги тўғрисидаги аудиторлик фирмасининг фикрини акс эттириш лозим.

1.3. Комплекс аудиторлик текширувининг олиб борилиши ҳамда якуний босқичи.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида аудиторлик ҳисоботи ва 19-моддасида аудиторлик хулосаси белгилаб қўйилган:

Аудиторлик ҳисоботи - аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат булган хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат. Аудитор ҳисоботида аниқланган четга чиқишлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар мавжуд булиши керак.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир бети аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланган булиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятнинг миллий стандартлари билан белгиланади.

Аудиторлик хулосаси - молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик булган ҳужжат. Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тўзилади.

Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти мухри билан тасдиқланган булиши керак.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий ҳисоботининг аниқлиги тўғрисидаги аудиторлик фирмасининг фикрини бу субъект ва аудиторлик хулосасидан манфаатдор фойдаланувчилар бошқача талқин этмасликлари керак.

Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси 70-АФМС талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Аудиторлик ҳисоботида қуйидагилар булади:

а) номи ("Аудиторлик ҳисоботи" ёки "Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи": иккала ном бир хил кучга эга);

б) адресатнинг номи;

в) кириш қисми;

г) таҳлилий қисм;

д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт. Аудиторлик ҳисоботи буюртмачининг барча зарурий реквизитларини кўрсатиш билан аудиторлик текшируви буюртмачисига юборилади.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми АФМСга ҳавола қилиши ва унда қуйидагилар булиши шарт:

- хўжалик юритувчи субъектда ички назорат ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);

- бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари;

- молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тулашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;

- активларнинг бутлигини текшириш натижалари.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни уз ичига олади:

- хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

- аудиторлик текшируви давомида аниқланган, хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларнинг қонунчиликка жиддий номувофиқликлари баёни.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ва тулашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни уз ичига олади:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тулашнинг белгиланган тартибини бўзиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни.

- активлар бутлигини текшириш натижалари активларни инвентарлашга асосланиши ва уз ичига уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотларни олади.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқ бўзилишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини уз ичига олади. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади. Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик хулосаси қуйидаги элементларни уз ичига олади:

- а) ном ("Аудиторлик хулосаси" ёки "Аудиторлик ташкилотининг хулосаси": иккала ном тенг ҳуқуқли);
- б) адресатнинг номи;
- в) кириш қисми;
- г) қайд этиш қисми;
- д) якуний қисм;
- е) аудиторлик хулосасини бериш санаси;
- ж) аудиторлик ташкилоти манзили;
- з) аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзоси.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши ҳамда аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосаси шаклининг бир хиллигига риоя қилиши керак. Аудиторлик хулосаси аудиторлик текширувининг буюртмачисига йўлланиб, буюртмачининг барча зарурий реквизитлари кўрсатилади

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ булиши учун жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик хулосасида аудиторлик текшируви АФМСга мувофиқ ўтказилгани қайд этилиши керак. қайд этувчи қисмда аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа

молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга асосланиши кўрсатилади. Бундан ташқари аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи берилиши керак.

Аудиторлик хулосасининг якуний қисмида аудиторлик ташкилотининг текширилган молиявий-ҳисобот хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур бериш-бермаслиги ва молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикри равшан баён этилади. Аудитор аудиторлик хулосасини аудиторлик текшируви яқунланган кун билан белгилайди. Аудиторлик хулосасига аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилоти раҳбари имзо чекиши ва у аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши керак.

Аудиторлик хулосаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) ижобий аудиторлик хулосаси;
- б) салбий аудиторлик хулосаси;

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади, шундан икки нусха аудиторлик текшируви буюртмачисига тақдим этилади. Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тушунарли булиши, аудиторнинг ишончи комил эмаслиги ва (ёки) рози эмаслиги юзага келтирган чеклашларга доир кўрсатмаларни ўз ичига олади. Аудиторлик хулосаси очиқ ахборот ҳисобланади, ундан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси фойдалана олишлиги назарда тутилади. Аудиторлик хулосаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъект томонидан эълон қилиниши мумкин.

Аудиторлик текширувини ўтказмасдан тузилган ёки аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилган, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) олган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳужжатлари мазмунига мувофиқ келмайдиган аудиторлик ҳисоботи ва

аудиторлик хулосаси қасддан ёлғон ҳисобот ва хулоса деб ҳисобланади. қасддан ёлғон аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Тергов органларининг топшириғи билан ўтказилган аудиторлик текшириши натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунларига мувофиқ тайинланган экспертиза хулосасига тенглаштирилади.

Аудиторлик фирмасининг йилик ҳисоботни текшириш натижалари бўйича хулосаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ аудит ўтказилиши лозим бўлган корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботининг мажбурий элементидир.

I боб бўйича хулоса

1. Пахта тозалаш корхоналари фаолиятини узвийлигини ва барқарорлигини таъминлашда у ёки бу шаклдаги текширишни муваффақиятли ўтказиш учун аудиторлик хизматини ташкил қилиш зарур.

Ушбу бобнинг 1.1.Комплекс аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари деб номланиб, унда комплекс аудитнинг:

- а) моҳияти;
- б) мақсади;
- в) вазифалари.

Ушбу бобнинг 1.2. Корхоналарда комплекс аудиторлик текширувининг ҳуқуқий асослари деб номланиб, унда комплекс аудит ўтказишнинг давлатимиз томонидан белгиланган қонунчилик, аудиторлик фаолиятининг стандартлари ўрганилиб, илмий жиҳатдан талқин қилинди.

Ушбу бобнинг 1.2. Комплекс аудиторлик текширувининг олиб борилиши ҳамда якуний босқичи деб номланади ва бунда:

- биринчидан пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқаришини давомийлигини белгилаш мақсадида, корхоналарни модернизация қилиш,

техник ва технологик жиҳозлаб бориш учун корхона жамғармасини назорат қилиш муҳимлиги;

- иккинчидан, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини қаттиқ назорат остига олиш ҳисобига, тежамкорликка эътибор қаратиш каби назоратни ҳам ички аудит назоратига қўшимча қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди ва бошқа бир қатор йўналишлар кўриб чиқилди.

Бизнинг фикримизча, ушбу жараён орқали ўз ишини устаси бўлган профессионал ички аудит ходимини танлаш имконига эга бўлинади.

II боб. Пахта тозалаш корхоналарининг молиявий ҳолати аудити.

2.1. Маблағлар ва маблағлар манбалари таркибининг таҳлили.

Мунтазам равишдаги инфляция шароитларида кўпчилик корхоналарнинг молиявий сиёсати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизматларни кенгайтириш имконини бермайди, чунки капитал ва захиралар амалда ўсиш йўналишига эга бўлмаган ҳолда, маблағлар истеъмол учун кўпроқ харажат қилиниши муносабати билан уларни "еб кўйилиши" кузатилади. Бу уларнинг молиявий барқарорлигига ва иш юзасидан ҳамкор сифатида ишончлилигига шубҳа туғдиради. Шу боис, кўп ҳолатларда нафақат молиявий ҳисобот ишончлилигининг текшируви билан чегараланмасдан, корхона молиявий аҳволини ҳам кўмплекс таҳлил қилиш зарурияти пайдо бўлади.

Аудиторлик ташкилоти эса, хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма равишда тақдим қилинадиган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасида бухгалтерлик ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида объектив ва асосланган фикр билдирганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Аудитор хўжалик фаолиятини текширишда қуйидагиларни таҳлил қилиши лозим:

- корхонанинг ўз устав фаолияти ва хўжалик дастурининг бажарилиши;
- устав капиталини ташкил этишнинг тўғрилиги ва унинг ўз фаолияти мақсадларига мувофиқ ишлатилиши;
- корхонада маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ишонарли, тезкор ҳисобга олишнинг ташкил этилиши, тайёр маҳсулотлар етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда корхона ходимлари томонидан белгиланган тартибга риоя қилиниши;
- маҳсулотларни тўлиқ ва ўз вақтида етказиб бермаганлик натижасида кўрилган йўқотишлар (жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқалар);
- чиқарилаётган маҳсулотларни янгилашга доир кўзланган

- тадбирларнинг бажарилиши; маҳсулот сифати кўрсаткичлари, брак ва сифатсиз маҳсулот етказиб берганлик учун кўрилган зарарлар;
- маҳсулот чиқариш ритми, ритмсиз ишлаш сабаблари, суткалик графиклар бажарилмаслиги оқибатида кўрилган зарарлар;
 - хом ашёлар, материаллар ва ишлаб чиқариш чиқитлари-дан оқилона фойдаланиш;
 - корхона жамоаси мақсадларнинг тизими, ҳар бир ходимга вазифаларнинг оқилона тақсимланиши;
 - ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий мақсадларга етишишда барча ходимлар (ишчидан тортиб бош директоргача) иқтисодий манфаатларни таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими;
 - маҳсулот чиқариш ва сотиш ҳақидаги ҳисобот маълумотларининг бухгалтерлик ҳисоби ва дастлабки ҳужжатлар маълумотларига тўғри келиши;
 - маҳсулотлар ҳисоботига ҳисобот даврида тайёрланиб тугалланмаган маҳсулотларнинг киритилмаганлиги ва ҳисоботларда бошқа қўшиб ёзиш ҳамда чалкашликларга йўл қўйилмаганлиги.
 - бухгалтерлик ҳисоби ва назоратнинг ташкил этилиши пул маблағлари ва материал қийматликлар камомади, етишмовчилиги ва ноқонуний сарфланиши ва бошқа камчилик ҳамда суистеъмол қилишларнинг олдини олишни таъминлаши, дастлабки ҳужжатларни сифатли расмийлаштириш ва уларнинг ишонарлилиги устидан пухта назорат ўрнатиш; хўжалик муомалаларини, пул маблағлари ва мулклар, материал қийматликлар мавжудлиги ва сақланишини даврий инвентаризацияси ва тўсатдан ўтказилган текширишлар натижалари ва шу кабилар;
 - тузилган даврий ва йиллик ҳисоботлар маълумотларининг бухгалтерлик ва статистик ҳисобот маълумотларига тўғри келиши.

№ 1 - «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ *ҳисоб*

сиёсати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисо-ботни тайёрлаш ҳамда тузиш учун фойдаланиладиган махсус тамойиллар, қоидалар ва амалий ёндашувлар тўпламини ифодалайди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати корхона раҳбари томонидан №1 БҲМС асосида тузилиб, хўжалик юритувчи субъектнинг турли йиллар учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларидаги кўрсаткичлар таққосланувчан, ҳамда бошқа алоқадор БҲМС лар асосида шакллантирилган бўлиши лозим.

2.1.1-жадвал.

“Сурхонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг 2009-2011 йиллар мобайнида бизнес режа бажарилиши

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
	Режа	Ҳақиқат	Режа	Ҳақиқат	Режа	Ҳақиқат
Иш ҳақи Фонди	243560	268972,4	324342	339863,5	405124	410754,5
Жорий Мукофотлар	54168	57265,4	100462	151560,7	146756	245856
Ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари	13560	7808,1	13530	11067,4	13500	14326,7
Моддий ёрдам	10500	4502,1	9200	5655,1	7900	6808
Ҳисобот Даврининг фойдаси	420000	384089	397276	408358	374552	432627
Жами	741788	1238025,6	844810	916504,7	947832	1110372,2

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, 2009 йил молиявий фаолият учун тузилган бизнес режада иш ҳақи 25412,4 минг сўмга, 2010 йилда 15521,5 минг сўмга, 2011 йилда эса 5630,5 минг сўмга кўп сарфланган, жорий мукофотлар 2007 йилда 3097,4 минг сўмга, 2010 йилда 51098,7 минг сўмга, 2011 йилда эса 99100 минг сўм кўп сарфланиб, бизнес режага нисбатан ортиқча харажатга йўл қўйилган. Натижада бизнес

режада кўрсатилган ҳисобот даврининг фойдаси 2009 йилда 91,4 фоизга. 2010 йилда 102,8 фоизга ва 2011 йилда эса 117,1 фоизга бажарилган.

Корхонанинг барча фаолияти бўйича комплекс аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш учун аудитор томонидан текширув жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хўжалик ва молиявий интизомларни бўзиш ҳолатлари акс этилган аудиторлик ҳисоботи тўзилиши лозим. Молиявий ҳисоботнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги тўғрисида алоҳида аудиторлик хулосаси тақдим этилади.

Текширув далолатномаси аудиторлар, текширилган корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Текширув натижалари конфиденциал ҳисобланади ва текширилган корхонанинг директорлар Кенгаши бошқарувига ҳамда, мажбурий тарзда, акциядорларнинг йиллик мажлисига тақдим этилади.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унга риоя қилиниши масалалари аудитнинг аҳамиятли соҳаларидан бўлиб, бухгалтерия ҳисоботларининг ишончлилигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг барча босқичларида - аудитни режалаштиришдан то аудиторлик хулосасини тузгунга қадар муҳим текширув объекти бўлиб ҳисобланади.


Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилишини текшириш чоғида ҳисоб сиёсати билан танишишнинг мақсади бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий тамоилларини ва текшириладиган корхонанинг ҳужжатлар айланиши графигини ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборат. Бунда ҳисоб сиёсатини белгилайдиган фармойиш ҳужжатларининг мавжудлиги ва таркиби аниқланади.

Ҳисоб сиёсатини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади - «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли №1 БҲМС талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида хулоса тузишдан иборат бўлиб, ҳисоб сиёсати №1 БҲМСга

мувофиқ уларни бажаришни таъминлаши лозим.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида фикр шакллантиришда қуйидаги ҳолатлар ҳам инобатга олиниши зарур:

- корхоналарнинг мулкӣ ҳолислиги;
- ҳисоб сиёсатини қўллашнинг изчиллиги;
- хўжалик фаолияти фактларининг аниқлиги.



2.1.1-расм. Ҳисоб сиёсатининг мазмунини ифодалайдиган маълумот манбалари

№1 БҲМС 56 бандига мувофиқ ҳисоб сиёсати календар йили давомида ўзгартирилмайди. Фақат хўжалик юритувчи субъектни қайта ташкил этилиш (бирлашиш, бўлиниш, қўшиб олиш), мулкдорлар алмашиши, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг ўзгариши ва бухгалтерия ҳисобининг янги услублари ишлаб чиқилган ҳолларда ҳисоб сиёсати ўзгартирилиши мумкин (№1 БҲМС 56. 1, 56. 2, 56. 3, 56. 4).

Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқларни аудиторлар томонидан тест

синовидан ўтказиш амалиёти шуни кўрсатмоқда-ки, айрим хўжалик юритувчи субъектлар бу ҳужжатга ҳисоб сиёсатига тааллуқли бўлмаган нарсаларни ҳам киритадилар. Масалан, ходимларга иш ҳақи бериш муддатлари, таътилар давомийлиги, меъёридан ошиқ хизмат сафари харажатлари ва ҳоказо. Бундай ахборотлар корxonанинг бошқа ички ҳужжатларида акс эттирилади. Айрим корxonалар бухгалтерия ҳисобининг барча мумкин бўлган унсурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби услубларини, улар олдин қўлланганлиги ва кейинчалик қўлланиши зарурлигига қарамасдан буйруққа киритишлари оқибатида хато-камчиликларга йўл қўядилар.

Бошқа томондан, аудитор бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги ва унинг корxонадаги ҳақиқий аҳволига мос келиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириши зарур. Ҳисоб сиёсати акс эттирилишининг ишончлилиги тўғрисида аудиторнинг фикри корxона контрагентлари хулосалари ва ҳатти-ҳаракатларининг асоси ҳисобланади.

Аудитор юқорида келтирилган масалалар қанчалик ишончли ва тўлиқ очиб берилганлигини, шунингдек, фаолият предмети тақозо этадиган, даромад ёки операцион даромад сифатида туркумланган даромадларни тан олиш тўғрисидаги қарорлар нима билан изоҳланишини аниқлаши лозим. Бунда аудитор корxонада ҳисоб сиёсатини қабул қилиш чоғида «фаолият предмети» тўғрисидаги масалани ҳал этишда қабул қилинган омилларни (муҳимлик, мунтазамлик ва шунга ўхшаш) эътиборга олади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси ҳисоб сиёсати тўғри-сидаги ахборотларга ҳам бир хилда тааллуқли бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисоботига берилган тушунтиришларнинг корxонадаги ҳақиқатан фойдаланилаётган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига номувофиқлиги аниқланганида аудиторлик ҳисоботининг хотима қисмида махсус изоҳлар берилиши зарур.

2.1.2-жадвал

Балансинг актив ва пассив таркиби, соф ҳаракатчан маблағларнинг таҳлили

Т. р.	Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгаришлар	
		минг сўм	%да	минг сўм	%да	минг сўм	% да
1	2	3	4	5	6	7	8
I.	Актив, жами жумладан:	411421	100	419165	100	+7744	
I.1	Асосий воситалар ва бошқа айланишдан ташқари активлар (кўчмас мол-мулк)	41819	10,2	37296	8,9	-4523	-1,3
I.2	Айланма маблағлар (жорий активлар), жумладан:	369602	39,8	381869	91,1	+12267	+ 1,3
а)	- захиралар ва харajatлар	211589	51,4	200090	47,7	-11499	-3,7
б)	- пул маблағлари ва қисқа муддатли қоғоз-лар	1997	0,5	424	0,1	-1673	-0,4
в)	- дебиторлик қарзи	156016	37,9	181355	43,3	+25339	+3,4
г)	ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар						
II.	Пассив, жами жумладан:	411421	100,0	419165	100,0	+7744	
II. 1	Корхона хусусий маблағлар манбалари	127819	31,1	122692	29,3	-5199	-1,8
II. 2	Қарзга олинган маблағлар жумладан:	283530	68,9	296473	70,7	+12943	+ 1,8
а)	Узоқ муддатли кредитлар ва заём маблағлари	8551	2,1	13887	3,3	+5336	+ 1,2
б)	қисқа муддатли кредитлар ва заём маблағлари	127637	31,0	139021	33,2	+11384	+2,2
в)	ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар (кредиторлик қарзлар)	147342	35,8	143565	34,2	-3777	-1,6
III	Ишчи капитал ёки соф ҳаракатчан маблағлар (1.2 - II.2б II.2в)	94623	23,0	99283	23,7	+4660	+0,7
IV	Хусусий соф ҳаракатчан маблағлар (III -II.2а)	86072	20,9	85396	20,4	-676	-0,5

Корхона самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида бундай таҳлил шартномага мувофиқ консалтинг

хизматлари кўрсатиб аудиторлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай таҳлилга, шунингдек, таҳлил натижалари талаб этиш бўйича чоп этилган молиявий ҳисоботга илова кўринишида тақдим этиладиган чоп этилган молиявий ҳисобот истеъмолчилари, яъни: акциядорлар, банклар, мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторлар ҳам мухтождир. Бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда молиявий маълумотларнинг аксарият истеъмолчилари ўзлари бундай таҳлил қилиш услубиётига эгадир.

Барча активларнинг тизими умуман улар таркибида айланма маблағлар улуши кўплиги билан тавсифланиши, яъни, йил бошидаги 89,8 % дан йил охирида 91,1 % гача ошганлигини таъкидлаш лозим. Таҳлил қилинган даврда атиги 8,9 % миқдорда мол-мулкка эга бўлиб корхона инқироз ҳолатда эканлигини таъкидлаш мумкин.

Баланснинг пассив қисми заём маблағларининг нисбати кўплиги билан тавсифланади ва ҳисобот даврида уларнинг улуши 68,9 % дан 70,7 % гача, яъни 1,8 % га ошган.

Қарзга олинган маблағларнинг тизимида корхона учун жиддий таъсир кўрсатувчи ўзгаришлар содир этилган. Масалан, узоқ муддатли кредитлар улуши 2,15 % дан 3,3 % гача (1,2 % га), қисқа муддатли кредитлар улуши эса 31,0 % дан 33,2 % гача (2,2 % га) ошган.

Юқоридаги қийматлилигини назарда тутиб, заём маблағлари тизимидаги бундай ўзгаришлар корхона учун қўшимча молиялаштириш билан боғлиқ бўлган, шунинг билан бир қаторда, мол етказиб берувчилар томонидан, уларнинг кредиторлик қарзлари молиялаштириш учун аҳамиятли манба ҳисобланган (йил бошига 35,8 % ва йил охирига 34,2 %) ҳолда, ишонч камайиши, мажбурий чора деб ҳисоблаш мумкин.

Бунга ухшаш бир нечта мисолларни келтиришимиз мумкин.

2.2. Молиявий аҳвол - тўлов қобилияти, ликвидлик, молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг аудити.

Корхона молиявий барқарорлигининг муҳим мезонларидан бири у ўзининг қисқа муддатли мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш имконияти, яъни ликвидликни баҳолаш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, агар корхона ўзининг жорий активларини сотиб қисқа муддатли мажбуриятларини ижро эта олса, у ликвидлик қобилятига эга деб ҳисобланади. Жорий активлар ва қисқа муддатли мажбуриятлар орасидаги фарқ ишчи (айланма) капитални ифодалайди. Улар одатда соф ҳаракатчан активлар деб юритилади. Таҳлил қилинаётган корхона кўрсаткичларига асосан ҳисобот даврида ишчи капитал 94623 минг сўмдан (369602-127637-147342) 99283 минг сўмгача (381869-139021-143565) ёки 0,7 % га ошган. Бунда ишчи капиталнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати (мобил қоплаш коэффициенти) йил бошига 0,34 $\{94623/(127637+147342)\}$ ва йил охирига 0,35 $\{99283/(139021+143565)\}$ ташкил этган. Бу таҳлил қилинаётган даврда жорий активларнинг учдан бир қисми хусусий маблағлар ҳисобига, қолган учдан икки қисми эса - заём маблағлар ҳисобига шаклланганлиги тўғрисида далолат беради.

Қоплаш коэффициенти (жорий ликвидлик коэффициенти) - бу барча жорий активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати ва жорий активлар неча маротаба қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашлигини аниқлаш имконини беради.

ЖА

$$K_k = \frac{ЖА}{ҚКҚ}$$

бу ерда:

ЖА - жорий активлар;

ҚКҚ - қисқа муддатли кредиторлик қарзлар.

2 : 1 дан 3 : 1 гача бўлган нисбат ушбу кўрсаткич учун одатда энг мувофиқ ҳисобланади.

Бизнинг мисолимизда қоплаш коэффициенти таҳлил қилинаётган даврда 1,34 : 1 дан 1,35 : 1 гача ўзгарган, бу энг мувофиқ кўрсаткичдан пастроқ ҳисобланади. Бунда йил охирига таҳлил қилинаётган кўрсаткич

0,01га ошганлиги икки йўналишдаги омилларнинг таъсири, яъни: қисқа муддатли қарзлар 0,65 % га ошган бир пайтда жорий активлар 1,3 % ошганлиги натижасида ҳосил бўлганлигини қайд этиш лозим.

Агар қоплаш коэффициенти 1 дан кам бўлса, корхона ўз ҳисобварақларини қоплаш имкониятига эга эмаслиги билан боғлиқ бўлган юқори молиявий таваккалчилик тўғрисида гап юритиш мумкин. Активлар ликвидлигининг турли даражасини ҳисобга олган ҳолда, барча активлар тез муддат мобайнида сотилади деб ишонч билан фараз қилиш мумкин эмас, демак, корхона молиявий барқарорлигига путур етади.

"Тез" ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятларнинг қайси қисми жорий активларнинг барчаси ҳисобига эмас, фақат уларнинг энг ликвидлик қисми, яъни: пул маблағлари, қимматли қоқозлар ва дебиторлик қарзлари ҳисобига қопланиш мумкинлигини тавсифлайди.

$$K_{\text{ТЛ}} = \frac{\text{ПМ} + \text{КҚ} + \text{ДҚ}}{\text{КҚК}}$$

бу ерда:

ПМ - пул маблағлари;

КҚ - қимматли қоқозлар;

ДҚ – дебиторлик қарзлари.

1 дан кам бўлмаган "тез" ликвидлик коэффициенти энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган мисолда "тез" ликвидлик коэффициенти йил бошига 0,58 ва йил охирига 0,64 ташкил этган, бу йил охирига коэффициент 0,06 га кўпайганлигига қарамасдан йўл кўйилиши мумкин бўлгандан анча камроқ ҳисобланади.

Умуман олганда, таҳлил этилаётган коэффициентнинг бундай кўрсаткичга эга бўлишлигига йўл кўйилади, чунки назарий томондан ёндошганда, корхона ўз хом ашё ва тайёр маҳсулотлар захираларининг

бир қисмини сотиб ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлиқ қоплаши мумкин деб ҳисобланади.

Мутлақ ликвидлик коэффиценти (муддатли зудлик коэффиценти) пул маблағлари ва тез сотиладиган қимматли қоқозларнинг қисқа муддатли қарзларга нисбати орқали ҳисобланади.

У керакли бўлган пайтда тезкорлик билан жорий мажбуриятларнинг қопланиши мумкин бўлган қисмини ифодалайди.

Юқорида қайд этилган мисолда таҳлил этилаётган кўрсаткич йил бошига 0,007 ва йил охирига 0,0015 ни ташкил этган. Бу корхона ўз жорий мажбуриятларини тезкорлик билан қоплай олмаслигини кўрсатади. Лекин, корхонанинг барча кредиторлари бир вақтнинг ўзида ўзларининг қарз талабларини тақдим этишлари эҳтимоли кам эканлигини, ва, таҳлил қилинаётган коэффицент учун назарий томондан 0,2 кўрсаткичи етарли бўлишлигини назарда тутиб, тез сотилиши мумкин бўлган ва қисқа муддатли қарзлар орасидаги вужудга келган нисбат қабул қилиниши ўринли деган олдиндан хулоса чиқариш мумкин.

Лекин, шунга қарамасдан, йил охирига асосан пул маблағлари 79 % $\{(1997-424)/1997 \times 100 \%$ га камайганлиги ва жорий мажбуриятлар бир мунча ошганлиги билан боқлиқ бўлган "мутлақ" ликвидлик коэффиценти 0,0055 (0,0015-0.007) га камайганлигини қайд этиш лозим.

Мобил қоплаш коэффиценти ишчи капитал (соф мобил маблағлар)нинг жорий мажбуриятларга нисбати билан аниқланади.

$$\frac{ИК}{ҚКК}$$

бу ерда:

ИК - ишчи капитал.

Таҳлил этилаётган коэффицентнинг энг мувофиқ кўрсаткичи 1 дан кам бўлмаслиги, бошқача қилиб айтганда, жорий активлар билан жорий мажбуриятлар ўртасидаги фарқ жорий мажбуриятларнинг ўзидан кам бўлмаслиги лозим.

Юқорида қайд этилган мисолда таҳлил этилаётган коэффициент йил бошига 0,34 ва йил охирига 0,35 ни ташкил этган, бу йўл қўйилиши мумкин бўлган кўрсаткичдан анча паст ҳисобланади ва таҳлил этилаётган корхонанинг кам ликвидлиги тўғрисидаги дастлабки хулосани тасдиқлайди.

Автономия (мухторият, мустақиллик) коэффициенти - биринчи навбатда корхона инвесторларини қизиқтиради, чунки у корхонанинг умумий мол-мулк қийматида мулкдорлар томонидан қўйилган маблағлар улушини тавсифлайди.

$$Ka = \frac{XMM}{BB},$$

бу ерда:

XMM - хусусий маблағлар манбаси;

BB - баланс валютаси.

Таҳлил қилинаётган корхона бухгалтерия балансининг кўрсаткичлари мустақиллик коэффициенти (йил бошига 0,31 ва йил охирига 0,29) энг мувофиқ бўлган кўрсаткичдан пастроқ эканлигидан далолат беради.

Бозор муносабатларига эга бўлган кўпчилик мамлакатларда ушбу коэффициент 0,5 га тенг ёки ундан юқори бўлса етарли ҳисобланади, чунки бунда ҳар доим барча заём маблағлар хусусий манбалар ҳисобига қопланиши мумкин.

Ҳаракатчанлилик коэффициенти энг ҳаракатчан активларга хусусий маблағлар манбаларининг қайси қисми қўйилганлигини кўрсатади.

2.3.1-жадвал

Корхона молиявий ҳолати аудитининг кўрсаткичлари

Т. р.	Кўрсаткичларнинг номи	Ҳисоб-китоб услубиёти	Кўрсаткичлар	Энг мувофиқ кўр-
-------	-----------------------	-----------------------	--------------	------------------

					саткич
			йил бошига	йил охирига	
1	2	3	4	5	6
I. Ликвидлик кўрсаткичлари					
1	Қоплаш коэффициенти	ЖА Қк = ----- ҚКҚ	1,34 369602 ----- 127637+147342	1,35 381869 ----- 139021+143565	2дан Згача
2	"Тез" ликвидлик коэффициенти	Ктл= ПМ+ ҚҚ= ДҚ / ҚКҚ	0,58 1997+156016 ----- 127637+147342	0,64 424+181355 ----- 139021+143565	1дан кам бўлмаслиг и лозим
3	Мутлақ ликвидлик коэффициенти	Кмл=ПМ+ ҚҚ/ҚКҚ	0,007 1997 ----- 127637+147342	0,0015 424 ----- 139021+143565	0,2дан кам бўлмаслиги лозим
4	Мобил қоплаш коэффициенти	ИК Кмқ = ----- ҚКҚ	0,34 94623/274979	0,35 99283/282586	1дан кам бўлмаслиг и лозим
II. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари					
5	Автономия (мухторият) коэффициенти	ХММ Ка = ----- БВ	0,31 127891/411421	0,81 122692/419165	0,5дан кам бўлмаслиги лозим
6	Ўаракатчанлик коэффициенти	ИК Кх = ----- ХММ	0,74 94623/127819	0,81 99283/122692	0,5дан кўп бўлмаслиги лозим
7	Инқирозга уч- рашлик истиқ- боли коэффиц.	ИК Кии = ----- БВ	0,23 94623/411421	0,24 99283/419165	Пасаймас- лиги лозим
8	Кумулятив фойдалилик коэффициенти	ТФ Ккф = ---- БВ	0,029 12269/411421	0,0019 815/419165	Пасаймас- лиги лозим

9	Иммобиллизация коэффициенти	А Ки = ----- АМДҚ	0,72 106836/148655	0,76 115049/152345	0,5дан кўп бўлмасли- ги лозим
10	Молиявий барқарорлик ко- эффиценти	Кмб = ХММ+УЗМ -----БВ	0,33 127819+8551 ----- 411421	0,32 122692+13887 ----- 419165	0,5дан кам бўлмасли- ги лозим
11	Молиялаштириш коэффициенти	ХММ Км = ----- ЗМ	0,45 127891/283530	0,41 122692/296473	1дан кам бўлмасли- ги лозим

Таҳлил қилинаётган корхона учун ушбу коэффициент кўрсаткичи йил бошига 0,74 ва йил охирига 0,81 ташкил этди, бу эса корхонада жорий активлар ва ишчи капитални шаклланиш манбалари тизими тўғрисида олдин берилган хулосаларни тасдиқлайди (мобил қоплаш коэффициенти кўрилсин).

Инқирозга учрашлик истикболи коэффициенти баланснинг активлар суммасидаги соф мобил активлар (ишчи капитал) солиштира нисбатини (нетто) тавсифлайди.

Агар фирмада молиявий қийинчиликлар мавжуд бўлса, таҳлил қилинаётган коэффициентнинг кўрсаткичи паст бўлади. Юқоридаги мисолда ҳисобот даврида ушбу коэффициент йил бошидаги 0,23 дан йил охиридаги 0,24 гача ошган, яъни бу корхона молиявий ҳолати секин-аста соқломлашаётганидан далолат беради.

Кумулятив фойдалилик коэффициенти фоизлар, солиқлар ва дивидендлар тўлангунга қадар фойданинг барча активларга нисбатидир ва активлар қайтимини тавсифлайди.

Одатда, янги ташкил этилган ва етарли даражада фойда олмайдиган фирмалар учун ушбу коэффициентнинг кўрсаткичи унчалик юқори бўлмайди. Барқарор молиявий ҳолатга эга бўлган корхоналар учун ушбу коэффициент доимий равишда ўсиб бориши лозим.

Келтирилган мисолда таҳлил қилинаётган коэффициент, яъни активларнинг қайтими йил бошидаги 0,029 дан йил охирида 0,0019 гача пасайган, яъни бу корхона хўжалик фаолиятининг самарадорлиги пасайганини тавсифлайди. Агар ўтган йилда активларнинг ҳар бир сўмига 2,9 тийин фоизда олинган бўлса, таҳлил қилинаётган йилда фақат 0,19 тийин фойда олинган.

Имобилизация коэффициенти (амортизацияни тўплаш) асосий воситаларнинг дастлабки қийматига ҳисобланган амортизация улушини акс этган ҳолда уларнинг ҳолатини тавсифлайди.

$$K_{и} = \frac{A}{ABДҚ},$$

бу ерда:

A - ҳисобланган амортизация;

ABДҚ - амортизацияланадиган воситаларнинг дастлабки қиймати.

Одатда унинг кўрсаткичи 0,5 дан юқори бўлмаслиги лозим, лекин техникавий қайта қурулганиш ёки ускуналар қисмлари жадаллик билан алмаштирилган вақтда ушбу коэффициент кўрсаткичи баландроқ бўлиши мумкин.

Келтирилган мисолда асосий воситалар дастлабки қийматининг 72 % йил бошида амортизация ажратмалари ҳисобига қопланган, йил охирида асосий воситаларнинг эскириши 4 % га ошган (76 % - 72 %). Бу эса, корхона ўз манбаларини, шу жумладан банкнинг узоқ муддатли кредитларини асосий воситаларни ташкил қилиш учун фойдаланмасдан, уларни жорий активларни сотиб олиш учун кўпроқ йўналтирганидан далолат беради (ҳаракатчанлик коэффициенти кўрилсин).

Молиявий барқарорлик коэффициенти баланснинг умумий валютасида корхона ўз фаолиятида узоқ муддатда ишлатиши мумкин бўлган молиялаштириш манбалар улушини акс этади.

Автономия (мухторият) коэффициентидан фаркли ҳолда таҳлил этилаётган кўрсаткични ҳисоблаш учун узоқ муддатли заём маблағлари (УЗМ) ҳам назарда тутилади, лекин, улар баланс валютасида жуда ҳам кам улушни (йил бошига 2,1 % ва йил охирига 3,3%) эгаллашини ҳисобга олиб, молиявий барқарорлик коэффициенти кўрсаткичи автономия (мухторият) коэффициенти кўрсаткичидан унчалик фарқ қилмайди ва у каби камайиш хусусиятига эга. маблағлар манбаларида жорий мажбуриятлар (қиска муддатли қарзлар) улуши кўп бўлганлиги сабабли бундай вазият вужудга келади.

Молиялаштириш коэффициенти корхона фаолиятининг қайси қисми хусусий манбалар ҳисобига, қайси қисми эса - заём манбалар ҳисобига молиялаштирилишини кўрсатади.

Таҳлил қилинаётган коэффициент кўрсаткичи 1 дан паст бўлган вазият вужудга келса (корхона мол-мулкининг асосий қисми заём маблағлар ҳисобига шаклланган) бу тўлов қобилияти камайганлигидан далолат беради ва кўпчилик ҳолатларда кредит олиш имконини мураккаблаштиради. Лекин, молиялаштириш коэффициенти учун тавсия қилинаётган кўрсаткични кўр-кўрона тушунишдан огоҳ қилиш лозим.

Шунинг билан бир қаторда, маблағлар узоқ муддатда айланадиган капитал ҳажмига эга бўлган корхоналар учун заём маблағлар улуши 40 % - 50 % бўлишлиги молиявий барқарорлик учун хафли ҳисобланади.

Келтирилган мисолда, биринчидан, молиялаштириш коэффициенти яримдан кам, иккинчидан, у пасайиб бормоқда: йил бошига - 0,45, йил охирига - 0,41.

Бинобарин, корхонанинг жалб қилинадиган заём маблағлардан қарамлиги ошиб боради ва у секин аста молиявий барқарорлигини йўқотиб боради ("Молиявий барқарорлик коэффициент"и қаралсин).

2.3. Ишлаб чиқариш рентабеллигининг аудити ва иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, аудитор жадвални тўзишда кўлланилган услубиётга мувофиқ ишлаб чиқариш рентабеллик даражасини таҳлил қилиши лозим. Таҳлил қилинаётган корхонада корхонага қўйилган барча маблағлар рентабеллиги ўтган йилда 2,98 % ни ва ҳисобот йилида 0,19 % ни ташкил этган ёки ҳисобот йилида қўйилган маблағнинг ҳар бир сўмига атиги 2 тийин фойда олинган, бу эса жуда ҳам паст кўрсаткич ҳисобланади.

Бундай паст рентабеллик кўрсаткичи бўлишлиги сабабини аниқлаш учун аудитор баланс фойдаси кескин камайиб кетишига таъсир этувчи кўрсаткичларни аниқлаши ва таҳлил қилиши лозим. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бундай таҳлил учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий харажатларнинг бундай кескин кўпайиши сабабларни, яъни: маъмурий ходимлар иш ҳақини ошириш, маъмурий ходимлар жадвалини кўпайтириш, янги филиаллар очиш ва бошқаларни аниқлаш таҳлилнинг кейинги босқичи ҳисобланади.

Қайд этилган маълумотларга кўра асосий бозор кўрсаткичлари, яъни: **ҳар бир акцияга даромадлар ва дивиденд даромадлари 0,04 тийинга** камайган. Агар ўтган йилда ҳар бир акциянинг бозор нархи унга олинадиган даромаддан 2,61 маротаба қимматлироқ бўлса, ҳисобот даврида у 2,89 маротаба қимматроқни ташкил этган, бу эса акциядорлар таҳлил этилаётган корхонага ўз инвестицияларини камайтиришидан далолат беради.

Қуйидаги жадвалда ўтган йилга нисбатан мазкур ҳисобот кўрсаткичларининг кам ўзгаришлари қаторида маъмурий харажатлар аҳамиятли ккпайганлиги, яъни 14399 минг сўмга (106290-91891) ёки 15,7 %га ккпайганлиги диққатга сазовордир.

2.3.1-жадвал

Ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасининг таҳлили

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчо в бир.	Ўтган йилда	Ҳисобот йили	Фарқлар
1	2	3	4	5	6
1	Фаолиятдан олинган фойда	минг сўм	12269	815	-11455
2	Соф фойда	"-"	12256	801	-11455
3	Махсулот, ишлар ва хизматлар сотилишидан соф тушум (ҚҚС, акцизлар ва бошқалар-сиз)	"-"	886608	881322	+5286
4	Корхонанинг хусусий маблағлар манбаи	"-"	127891	122692	-5199
5	Акциядорлик капитали	"-"	16000	16000	
6	Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	"-"	147810	150500	+2690
7	Моддий айланма маблағлар-нинг ўртача қиймати	"-"	208320	205840	-2480
8	Ишлаб чиқариш жамғармаларининг ўртача қиймати (6+7)	"-"	356130	356340	+210
9	Мол-мулк қиймати	"-"	411421	419165	+7744
10	Жамғарма ҳажмлиги коэф-фициенти (6:3)	тийин	16,67	17,07	+0,40
11	Айланма маблағлар бирикти-рилганлиги коэф-фициенти	"-"	23,49	23,35	-0,14
12	Сотилган махсулотнинг ҳар бир сўмига олинган фойда (1:3)	"-"	1,38	0,09	-1,29
13	Ишлаб чиқаришнинг ретабел-лик даражаси (1:8)	"-"	3,44	0,22	-3,22
14	Корхонага қўйилган барча маблағлар рентабеллиги (2:9)	"-"	2,98	0,19	-2,79
15	Корхона хусусий маблағлар манбаининг ретабеллиги (2:4)	"-"	9,58	0,65	-8,93
16	Сотилган махсулот рентабеллиги (2:3)	"-"	1,38	0,09	-1,29
17	Оддий акциядорлик капиталига олинган фойда	"-"	76,6	5,00	-71,6

Акциядорлар учун **мол-мулкни тақсимлаш коэффиенти** катта аҳамиятга эгадир. Келтирилган мисолда бу жадвал кўрсаткичлари бўйича ўтган йилдаги 7,99 дан (127891/16000) ҳисобот йилидаги 7,67 гача (122692/16000) камайган. Ушбу коэффицент акциядорлар томонидан компания тугатилишини кутиш даврида ккпроқ қўлланилади, чунки у ҳар бир сўм қўйилмага қанча хусусий маблағлар манбаси тўғри келишлигини кўрсатади.

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижалари молиявий қийинчиликлар тўғрисида далолат беради ва аудитор корхона-мижоз учун қуйидаги иқтисодийни соғломлаштириш йўлларини танлаб олишлигини тақозо этади:

- **иқтисодий** – хўжалик масъулиятли марказларини ташкил этиш, маъмурий харажатларни камайтириш, ходимларни эгаллаган жойларини ўзгартириш, керакли бўлмаган ходимларни ишдан бўшатиш, дебиторлик қарзларини камайтириш ва бошқалар;
- **молиявий** – акцияларни чиқариш, инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида ўтган йиллар бўйича жамқарма фондларини ошириш учун йўналтирилган тақсимланмаган фойдадан фойдаланиш;
- **ишлаб чиқариш** – корхонага қўйилган маблағлар қайтими (рентабеллик) даражасини ошириш, энг “талабгир” бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, айланма маблағларнинг айланишлигини камайтириш ва бошқалар;
- **юримдик** – корхона ёки уни филиали, қарамоқдаги фирмаси ва бошқаларнинг юримдик мақомини ўзгартириш.

Ушбу услубиёт, сўзсиз, вақт ўтиши билан такомиллашади, лекин ҳозирги вақтда у корхона ҳолатини тўлиқ тавсифлайди деб ҳисоблаш мумкин.

Тўпланган аудиторлик далиллари бухгалтерия ҳисобининг йўлга қўйилишини ва ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ёзувлар, баённомалар, жадваллар ва бланкалар шаклида аудиторнинг ишчи ҳужжатларида акс этирилиши лозим. Ишчи ҳужжатларда аудиторлик амалларининг режалаштирилиши ва бажарилиш натижаларини ҳам акс этириш зарур. Аудиторлик далилларини тўплаш кетма-кетлигини қуйидагича:

1. Аудиторлик далилларини тўплашнинг мақсадини шакллантириш шартноманинг умумий аудит режаси ва аудиторлик текширувлар

дастурига тааллуқли мақсадига боғлиқ. Шартномадан келиб чиққан ҳолда бошқа мақсадлар ҳам, жумладан ҳисобни ташкил этишнинг самарадорлигини баҳолаш, тўлов лаёқатини, рентабелликни ва бошқаларни башоратлаш ҳам аниқланиши мумкин.

2. Танланган аудиторлик амаллари №3-«Аудитни режалаштириш» номли АФМС га мувофиқ аудитор томонидан аудиторлик текшируви дастурида кўрсатилиши лозим. Бунда аудиторлик амалларидан қайсиларини (назорат воситалари тести ёки моҳиятан текширишлар) ва қайси участкаларда қўллаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш зарур.

3. Аудиторлик далилларини олиш усуллари (қайта ҳисоблаш, инвентаризация, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилиниши, тасдиқлаш, оғзаки сўров, ҳужжатларни текшириш, кузатиб чиқиш, аналитик амаллар) стандартда келтирилган.

4. Аудиторлик текширувлари учун ахборотларни тўплаш. Бунинг учун аудит дастуридаги ҳар бир бўлим бўйича норматив-саволнома ва ҳисоб-ҳисобот маълумотларининг зарур рўйхати тузилади. Норматив-саволнома маълумотлар рўйхати асос сифатида шакллантирилади. Аудитор бу рўйхатни текширув объектига нисбатан аниқлаштиради. Текширувда иштирок этадиган ходимлар ушбу рўйхатдаги ҳужжатларнинг мазмуни билан таништирилган бўлишлари лозим. Текширувни бошлашдан олдин ҳисоб-ҳисобот маълумотлари – миждоз-корхонадан талаб қилиб олинadиган ҳужжатлар ва регистрларнинг рўйхатини ҳам тузиш зарур.

5. Аудиторлик амалларни бажариш ва аудит жараёнида аниқланган далилларни баён қилиш. Бу босқичда аудитор аудитни режалаштириш чоғида белгиланган танлов ҳажмидан келиб чиқади. Аниқланган тафовутлар уларни аниқлаш амаллари ёки кодлари ва аудит жараёнида аниқланган далилларнинг батафсил баёни кўрсатилган ҳолда ишчи ҳужжатларда рўйхатга олинади. Баён қилиш вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ихтиёрий ҳолда бўлиши мумкин ёки махсус ишлаб чиқилган ишчи

хужжатлар шакллари тўлдириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

6. Тўпланган далилларни баҳолаш деганда уларнинг аудит мақсадига эришиш ва ишончлилигини аниқлашдаги ролини белгилаш тушунилади.

Далилларни баҳолашда қуйидагиларни аниқлаш зарур: манбанинг мустақиллиги, олинган фактлар ва бошқа маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги (яъни бунинг қонунга зид эмаслиги); мазкур далилнинг текшириладиган объектга тааллуқлилиги; танлаш ҳажми ва методологияси. Шунингдек, мазкур далилнинг объект бўйича тўпланган бошқа далиллар билан алоқадорлиги; ушбу алоқадорликнинг кўлами ва тавсифи; олинган далилларнинг кейинги аудит жараёнида қўлланилиш имкониятлари; аниқланган тафовутларнинг жиддийлик даражаси; олинган далиллар тўпламининг қарор қабул қилиш учун етарлилигини ҳам аниқлаш зарур.

II-боб бўйича хулоса

1. Тўғри йўлга қўйилган ички аудит тизими хатолар вужудга келишини бартараф этиб, нотўғри, бефойда қарорлар қабул қилиш ҳамда зарарлар вужудга келишини имкон қадар камайтиради. Бу кўзда тутилмаган хатоларга ҳам, атайлаб қилинганларига ҳам, тўлиғича тааллуқлидир.

2. Аудиторлик фаолиятидаги иш сифати ўзининг моҳиятига кўра икки қисмдан иборат. Бу ерда биринчи қисми ички аудит хизматининг юридик мақоми, ходимлар билан ишлаш сиёсати ва умумий фаолияти, иккинчи қисми эса, аудит жараёнида риоя этилиши лозим бўлган босқичларни тўғри ташкил қилишдан иборатдир.

3. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таҳлил усули пахта тозалаш корхоналари молиявий-иқтисодий ҳолатини текширишда асосий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ҳисобланган натижавий кўрсаткичларни таққослаш орқали қуйидагича хулосалар қилиш имконияти келиб чиқади:

А) Тезкор ликвидлик коэффициенти меъёр доирасида, жорий ликвидлик коэффициенти меъёрдан паст, бу жорий (янада шошилиш) мажбуриятларнинг тахминан ярми пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ҳисобига қопланиши мумкин, бироқ жорий мажбуриятларни бажаришда қийинчиликлар хавфи мавжуд.

Б) Жорий ликвидлик ҳисоб-китобида узоқ муддатли кредиторлик қарздорлиги ҳисобга олинмаган, чунки у кейинги даврларда тўланиши керак. Бироқ, узоқ муддатли кредиторлик қарздорлигининг узоқ муддатли ва жорий қисмлари ўртасидаги нисбатни ўзгартириш таҳлили баланс кўрсаткичларини яхшилаш учун жорий қарздорликнинг бир қисмини узоқ муддатли кредиторлик бўлимида кўрсатиш эҳтимолини тахмин қилишга мажбур этади.

Хулоса қилиб айтганда, аудитор молиявий ҳисоботнинг у ёки бу моддаси бўйича жиддий хатолар йўқлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиши лозим.

III боб. Пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказишни такомиллаштириш йўналишлари.

3.1. Ҳозирги шароитда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш йўллари.

Аудиторлик фаолияти иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Аудиторлик фаолияти республикамизда кейинги йилларда кенгайиб бормоқда.

Бу масалалар бўйича яна еттига стандарт қабул қилиш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир стандартга 10 тагача субстандарт очиш мумкин. Ушбу стандартлар халқаро миқёсда аудиторлик фаолиятини сифати ва мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этади

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, аудиторлик миллий стандартлари халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган. Республикамиздаги аудиторлик ташкилотларининг тўпланган тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у аниқ яққол ифодаланган миллий хусусиятларга эга. Шу билан бирга, хорижий манбалардаги қоидалар Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг барпо бўлиши ва ривожлантирилиши учун фойдали ҳамда қизиқарли эканлигини таъкидлаш жоиздир. Чунончи, бизнинг республикамизда ҳам халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1999-2005 йилларда 19 та аудиторлик фаолияти миллий стандарти ишлаб чиқилди ва Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, аудиторлик амалиётида қўлланилмоқда ҳамда уларни ишлаб чиқиш давом этмоқда.

Ҳозирги кунга келиб қуйидаги аудитнинг миллий стандартлари тасдиқланган:

- аудитни режалаштириш;
- аудит иш сифатини назорат қилиш;
- аудиторлик текширувини ҳужжатлаштириш;
- муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги;
- молиявий ҳисоботда бўлган бошқа ахборот;

- маълумотларни компьютер ишлови шароитида аудит;
- тахлилий таомиллар;
- аудиторлик танлаш;
- эксперт хизматидан фойдаланиш;
- молиявий хисоботнинг чалкашликлари аниқланганида аудиторлик ташкилотининг иш тутиши;
- аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишни текшириш;
- хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш;
- аудиторлик далиллар;
- алоқадор шахслар ўртасида битимлар бўйича аудиторлик далилларни олиш таомиллари;
- молиявий хисобот тузилган санадан кейинги ходисалар;
- бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш;
- аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;
- махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор хисоботи;
- аудиторли ташкилоти касбга доир хизматлари;

Бутун дунё аудиторлари мазмунан ўхшаш ишни бажарсаларда, ҳар бир мамлакатда аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ўзининг миллий хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари ва меъёрлари эса у ёки бу мамлакатнинг миллий стандартлари ва меъёрларини бекор қилмайди.

Республикамизда миллий аудиторлик стандартларини татбиқ этишда халқаро стандартларнинг қўлланиши тартиби, ривожланган мамлакатлардаги аудит тизимининг ташкил қилиниш даражасига муҳим

эътибор қаратиши тақазо қилади.

Аудитнинг Ҳалқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ҳалоллик;
- ҳаққонийлик;
- мустақиллик;
- махфийлик;
- пухта билимга эгалик.

Аудитнинг Ҳалқаро стандартларида стандартлаштирилладиган ҳар бир объект бўйича 100 та рақам (позиция) берилган. стандартлаш объектлари 11 та бўлган учун жами 1100 та стандарт ишлаб чиқилиши мумкин. Амалиётда бундай миқдордаги стандарт учун эҳтиёж бўлмагани учун уларнинг кўпчилигидан фойдаланилмайди. Масалан, “Режалаштириш” (300-399) деб номланган стандартлаш объекти учта стандартдан иборат; 300- «Режалаштириш», 310- «Бизнесни билиш», 320-«Аудитда муҳимлилик

Умуман – шу соҳада фаолият юритиш ҳудудига эга бўлган шахслар томонидан корхона молиявий ахборотининг тўғри ва тўлиқлигини, маълум қонун- қоидаларга асосан тўзилгани ёки уларга мос тушишини текшириш ва натижани манфаатдор тарафга етказишга йўналтирилган фаолиятидир. Республикамизда аудиторлик фаолиятини ташкил этиш борасида ЎЗРнинг “аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Қонунлар ва “Корхоналардаги ички хизмати тўғрисида”ги Низом каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Фақат кенг миқёсли иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини

ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.”¹ Иқтисодий ислохотлар ва ўзгаришларни давом эттиришда корхоналар фаолиятида текширувлари ўтказиш ва аудиторлик хулосаларини бериш уларни самарали фаолият юритишларини таъминлаб беради.

Аудиторлик фаолияти аудиторлик фирмалари томонидан ташкилот бухгалтерия ҳисобининг ҳисоботларининг тўғрилиги юзасидан ўз фикрини билдириши мақсадида, шу ташкилот бухгалтерия маълумотларини мустақил равишда ўрганишдир. аудиторлик текширувида ор асосий эътиборни ҳисоботларни Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартлари асосида тўзилганлиги ёки ушбу стандартлардан четга чиқиш ҳоллари бўлган ҳолатларни текширади. Корхоналар фаолияти орлар томонидан текширилганда, текшириш хулосасига кўра ижобий хулоса, шартли ижобий хулоса, салбий хулоса бериши ёки хулоса беришдан бош тортиши мумкин. аудиторлик текшируви аниқ далилларга ва корхонанинг молиявий ҳисоботларига асосланиб ўтказилади. Мамлакатимизда ҳозирги пайтда аудиторлик фирмаларининг роли ошиб бормоқда, чунки корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларидаги камчиликлар орлар томонидан аниқланиши ва тўғри хулосалар берилиши корхоналар фойдасини ошиб боришини таъминлайди, иқтисодий ривожланишдаги салбий ҳолатларни олдини олишга ёрдам беради ҳамда республикаимизда корхоналарнинг айниқса кичик бизнес субъектларининг кўпайишига олиб келади.

3.2. Пахта тозалаш корхоналарида ички аудит хизматини такомиллаштириш

Ички аудит раҳбари ички аудитнинг ҳамма фаолият турларини қамраб олувчи сифатни ошириш ва кафолат дастурини ишлаб чиқиши ва қўллаб-қувватлаши керак. ички аудит фаолияти сифатини ошириш ва кафолат дастури ички аудит тушунчаси ва стандартларга ҳамда ички аудиторлар

¹Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир.- Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

фаолятининг этика кодексига мувофиқлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилади.

Сифатни ошириш ва кафолат дастури талаблари. Сифатни ошириш ва кафолат дастури ички ҳамда ташқи баҳоларни ўз ичига олиши лозим бўлиб, бунда ички баҳолар қуйидагиларни ўз ичига олиши кўзда тутилади:

- ички аудит фаолятининг жорий мониторинги;

- ички аудиторлар ёки ташкилотнинг ички аудит соҳасида етарли билимга эга бошқа ходимлари томонидан ўз-ўзини баҳолаш йўли билан ўтказиладиган мунтазам текширувлар;

- психологик ва мантикий ёндошувлар ҳамда текширув фаолятига таалукли бўлган бир қатор анкета сўровномалари орқали ходимлар имкониятини текшириб бориш.

Изоҳ: жорий мониторинг ички аудит фаолятини кундалик таҳлил ва баҳолашнинг ажралмас қисм ҳисобланади. Жорий мониторинг ички аудитни бошқариш сиёсати ва жараёнига киритилади; бунда ички аудит тушунчаси, этика кодекси ҳамда стандартларга мувофиқликни баҳолаш учун зарур бўлган жараёнлар, восита ва ахборотлардан фойдаланилади.

Мунтазам текширувлар — ички аудит тушунчаси, этика кодекси ва стандартларга мувофиқликни баҳолаш учун ўтказилувчи текширувлар. Ички аудит соҳасидаги етарли билимлар Халқаро профессионал амалиёт асосларининг ҳамма элементларини тушунишни талаб этади.

Ташқи баҳолар малакали ва мустақил эксперт ёки ташкилот ходими бўлмаган экспертлар гуруҳи томонидан камида беш йилда бир марта ўтказилиши керак. Ички аудит раҳбари қуйидагиларни Кузатув кенгаши билан муҳокама этиши керак:

- янада хусусий ташқи баҳоларни ўтказиш зарурати;

- ҳар қандай манфаатлар зиддиятини ҳисобга олган ҳолда, ташқи эксперт ёки экспертлар гуруҳининг малакаси ва мустақиллиги.

Малакани баҳолаш жумладан экспертларнинг текширилаётган ташкилотга қиёсан аввал муносабатда бўлган ташкилотларнинг ҳажми ва мураккаблиги, шунингдек муайян сектор, тармоқ тўғрисидаги билимлар мавжудлиги зарурати ёки техника билимларини ҳисобга олади. Эксперт ёки экспертлар гуруҳининг мустақиллиги мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар зиддиятини мавжуд эмаслигини кўзда тутди. Мустақил экспертлар ички аудит вазифалари текширилаётган ташкилот ходимлари ёки унинг назоратида бўлишлари мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ички аудит раҳбари хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва кузатув кенгашига сифатни ошириш ва кафолат дастури натижалари тўғрисида ахборот бериши керак.

Халқаро ички аудит “Профессионал стандартларига мувофиқ” иборасидан фойдаланишда сифатни ошириш ва кафолат дастури натижалари ички аудит фаолияти халқаро ички аудит профессионал стандартларига мувофиқ амалга оширилаётганини тасдиқлаган ҳолатдагина, ички аудит раҳбари буни тасдиқлаши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, номувофиқлик ички аудит тушунчаси, этика кодекси ва стандартлар ички аудит фаолияти ёки умумий ҳажми, мазмунига таъсир этса, ички аудит раҳбари номувофиқлик далили ҳамда унинг оқибатлари тўғрисида хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва Кузатув кенгашига маълум қилиши керак.

2. Ички аудит тизими фаолияти стандартлари. Ички аудит раҳбари ички аудит бўлинмасини хўжалик юритувчи субъектлар учун унинг фойдалилигини таъминлашда самарали бошқариши талаб этилади.

- ички аудит иши давомида эришилган ютуқлар “Корхонадаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомда белгиланган мақсад ва мажбуриятларга мувофиқ бўлса;

- ички аудит фаолияти ички аудит тушунчаси ва стандартларга мос келса;

- ички аудит бўлинмасида фаолият юритувчи шахслар этика кодекси ва стандартлар талабларига мувофиқлигини намоён этсалар.

Ички аудиторлар ташқи аудиторлар сингари 10-АФМС “Молия ҳисоботи таркибидаги бошқа маълумот” ва 56-АФМС “Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар” номли стандартларидан қисман фойдаланади. Сабаби, ички аудиторлар ҳам молиявий ҳисоботга тегишли бўлган маълумотлар ва молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ўзгаришларни эътиборга олиши мумкин.

2.1. Режаларни тузиш, тақдим этиш ва тасдиқлаш. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ички аудит раҳбари ташкилот мақсадларига мувофиқ ички аудит устуворликларини белгиловчи мўлжалли-хатар режасини тузиши керак.

Изоҳ: ички аудит раҳбари мўлжалли – хатар режасини ишлаб чиқишга масъул ҳисобланади. ички аудит раҳбари хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан белгиланган фаолиятнинг турли фаолият кўринишлари ёки турли ташкилот бўлинмалари учун хатар даражасидан фойдаланишни киритган ҳолда, ташкилотда қабул қилинган хатарларни бошқариш концепциясини эътиборга олади.

2.2. Режа тузишда хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва Кузатув кенгашининг фикри ҳисобга олинishi керак. Ички аудит раҳбари маслаҳат бўйича таклиф этилган топшириқларни хатарларни бошқариш жараёнини яхшилаш ва топшириқларни бажаришда ташкилот фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари нуқтаи назаридан баҳолаши ҳамда ижро учун қабул қилинган топшириқлар режага киритилиши керак.

Ички аудит раҳбари хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ички аудит иш режасини, уни бажариш учун зарур ресурслар, шунингдек ҳисобот даври давомида режалардаги муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни кўрсатган ҳолда, тақдим этиши керак.

Бундан ташқари, ички аудит раҳбари хўжалик юритувчи субъектларида тегишли ва етарли ресурслар мавжудлиги, шунингдек тасдиқланган режани бажариш учун улардан самарали фойдаланишни таъминлаши керак.

Ушбу стандарт билан бир қаторда хўжалик субъектларида иш юритаётган ички аудит тизими фаолиятини такомиллаштириш учун бизнинг фикримизча, ички аудит хизмати ҳисоботини юритилиш тартиби ва текширув натижалари бўйича тавсияларни тайёрлашни маълум бир тартибда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосан пахта тозалаш корхоналарида ички аудитни ташкил этишни қуйидаги 3.2.1-расмда келтирамыз.



3.2.1-расм. Ички аудит хизмат тизимини ташкил этиш тадбирлари³

Ишлаб чиқилган расмга изоҳ берадиган бўлсак, бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини, сақланишини, хўжалик молиявий

³ Муаллиф томонидан тузилган.

операцияларининг Ўзбекистон қонунларига бўйсинишни, пахта тозалаш корхоналарининг молиявий ҳисоботларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилганлигини текширилади. Экспертиза охирида аудиторлик ҳисоботи тузилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимининг янада раванқ топиши юқори савиядаги ички аудит тизимини ташкил этишга талабнинг ортиши билан характерланади. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда ички аудит хизматига эътибор кучайиб, унга катта эҳтиёж пайдо бўлди. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишини таҳлил қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғри юритилишини текшириш, корхона мулкдорлари ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, Кузатув кенгаши томонидан уларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш, бундай ҳолатлар юзага келганда эса бу ҳақда мулкдорларга ахборот бериш каби тадбирлар айнан ички аудит хизмати орқали амалга оширилиши инобатга олиниб, мамлакатимизда баланс активлари қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудит хизматини жорий қилиш зарурлиги белгиланди.

Нотўғри ахборотларга асосланган ҳолда қарорларнинг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектларнинг ноқулай иқтисодий аҳволга тушиб қолишига ёки инқирозга юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ахборот етказиб берувчилар (маъмурият) билан ахборотлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, банклар, акциядорлар, кредиторлар) манфаатларининг мос келишини таъминлаш ва улар ўртасида юзага келадиган зиддиятли вазиятларни бартараф этиш ҳамда иқтисодий ахборотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш ички аудит хизматини такомиллаштириш заруриятини вужудга келтиради.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини такомиллаштириш нафақат хўжалик юритувчи субъектлари учун балки, мамлакат иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш

жараёнларида юз берадиган хато ва камчиликларнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш учун хизмат қилади.

Бизнинг назаримизда, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш режалаштирилган ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларни техник-технологик жиҳозлаш ўз навбатида уларнинг активлари ҳисобини 1 млрд. сўмдан ортишини таъминлайди;

- хўжалик юритувчи субъектларда ташкил этилган ички аудит тизимлари фаолиятини тартибга келтириш ва такомиллаштириш учун халқаро ички аудиторлик стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички аудит тизими ходимлари учун ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим;

- мамлакатимизда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва аудиторлик стандартларида ички аудит тизимидаги таҳлилий амалларни белгилаб берилмаганлиги боис, молиявий ҳолатни ички аудитдан ўтказиш учун таҳлилий амаллардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш;

- тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таҳлил усулларида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини текширишда асосий қўлланма сифатида фойдаланиш лозим. Шунингдек, ҳисобланган натижавий кўрсаткичларни таққослаш орқали Кузатув кенгашига илмий асосланган маслаҳатлар бериш учун қуйидагича хулосалар қилиш имконияти келиб чиқади:

а) Тезкор ликвидлик коэффициенти меъёр доирасида, жорий ликвидлик коэффициенти меъёрдан паст, бу жорий (янада шошилиш) мажбуриятларнинг тахминан ярми пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари

ҳисобига қопланиши мумкин, бироқ жорий мажбуриятларни бажаришда қийинчиликлар хавфи мавжуд.

б) Жорий ликвидлик ҳисоб-китобида узоқ муддатли кредиторлик қарздорлиги ҳисобга олинмаган, чунки у кейинги даврларда тўланиши керак. Бироқ, узоқ муддатли кредиторлик қарздорлигининг узоқ муддатли ва жорий қисмлари ўртасидаги нисбатни ўзгартириш таҳлили баланс кўрсаткичларини яхшилаш учун жорий қарздорликнинг бир қисмини узоқ муддатли кредиторлик бўлимида кўрсатиш эҳтимолини тахмин қилишга мажбур этади;

- хўжалик юритувчи субъектларда фаолият юритаётган ички аудит тизими текширувини ишончлилиги ва аниқчилигини такомиллаштириш учун ички аудиторлик ҳисоботларининг шакл ва мазмун талабларига қатъий риоя этиш лозим;

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш бўйича тавсия этилаётган таклифлар мустақиллик, махфийлик, ахборот таъминоти, ахборотни олишдаги тезкорлик, ички аудитнинг замонавий хўжалик юритувчи субъектни бошқариш тизимидаги ролини ошириш имконини беради. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлиги фақат маблағлар манбаларининг таркиби билан эмас, балки уларнинг молиявий ҳисобот активларига тўғри киритилганлиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун аудитор ўзлик маблағлари тўзилмасини баҳолаш билан бирга, хўжалик юритувчи субъект қарз маблағлари тўзилмасини ҳам ўрганиши керак. Шу мақсадда ички аудит жараёнида жалб қилинган капитални таҳлил қилиш усулларидадан фойдаланиш таклиф этилади.

3.3. Корхоналарда комплекс аудит ўтказиш тартибини такомиллаштириш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини комплекс ёки тематик аудит текширувидан ўтказиш аудитни ташкил этишнинг 2-босқичини

ташқил этади. Ушбу босқични аудиторлар 1-босқичда тузилган дастурга мувофиқ олиб борадилар. Дастурга кирган ҳар бир мавзу ёки объектни текширишда аудиторлар маълум кетма-кетликга амал қилишлари, текширишни юқоридан пастга қараб ёки пастдан юқорига қараб текшириш усулларидан бирида амалга оширишлари лозим.


Бизнингча, пастдан юқорига қараб текшириш энг қўлай усулдир.

Ушбу усулга мувофиқ аудитор ҳар бир объект бўйича маълумотларни бошланғич ҳужжатлардан тортиб, то ҳисоботда акс еттирилган кўрсаткичгача тизимлаб чиқади. Аудитор барча текшириш объектлари тўғрисидаги маълумотларни бошланғич ҳужжатлар асосида ўзининг компютерига киритиб боради, оралик маълумотларни ойлик, чораклик, ярим йиллик, тўққиз оулик ва йиллик даврлар бўйича жамлайди. Бошланғич ҳужжатлар бўйича исботларни тўплаш чоғида бирданига уларни тўғри тузилганлигини текширади, улардаги баҳоларни ва соний – суммавий миқдорларни шартномалар билан таққослайди. Ҳар ойлик маълумотларни Бош китобдаги мос счётларнинг маълумотлари билан уйғунлигини текширади. Тўпланган маълумотларни «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» ва ҳисоботнинг бошқа шаклларида акс эттирилган маълумотлар билан таққослаб кўради. Тўпланган исботларни ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан мос келиши текширилаётган объект ҳисобини тўғри олиб борилганлигидан, мос келмаслиги эса хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигидан дарак беради. Мос келмаслик аудитордан четланишлар бўйича кейинги исбот - далилларни йиғишни талаб этади. Худди шундай кетма-кетлик, маълумотларни йиғиш тартиби аудитнинг барча объектлари бўйича амалга оширилади.

Тобора ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида турли - туман мулк шаклларининг вужудга келиши, яъни давлат мулкининг хусусийлаштирилиши, ҳиссадаудиторлик жамиятлари, ҳамкаудиторликдаги корхоналар, кичик корхоналарнинг вужудга келиши

уларнинг фаолиятини таҳлил қилишда бухгалтерия ва нинг аҳамияти катта.

Шундау қилиб, аудиторлик текширувини барча объектлар бўйича қуйидаги умумий методологик тартибга амал қилинган ҳолда ўтказилиши лозим (3.3.1-расм).



3.3.1- расм. Аудитни ўтказишнинг умумий методологик тартиби.⁴

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидаги кетма – кетликга амал қилиниши, шунингдек қуйидаги ишлар олдинма - кетин бажарилиши керак.

1. Аудитнинг аниқ объектлари ва уларни текшириш кетма-кетлиги белгиланади. Объектларни текширишда кетма-кетликни тўғри танлаш ҳам катта рол ўйнайди, чунки объектлар ҳам ҳисоб нуқтаи назаридан, ҳам текшириш нуқтаи назаридан бир – бири билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Бизнингча, юридик статуси тўлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари бўйича ўтказилаётган аудитда унинг объектлари қуйидаги кетма- кетликда текширилиши лозим:

⁴К. В. Urazov Buxgalteriya hisobi va audit. o'quv qo'llanma. Toshkent «o'qituvchi» -2004

- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг кўрсаткичлари (даромадлар, таннарх, давр ҳаражатлари, шу жумладан ҳаражатларга кирувчи солиқлар ва мажбурий тўловлар, солиқ базасига қайта кўшиладиган ҳаражатлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган натижалар, солиққача фойда, солиққа тортиладиган фойда, даромад (фойдадан) солиқлар, соф фойда);

- Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларида моддалари (ҳар бир модда кўрсаткичлари бошланғич ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисоби счётлари ёзувлари бўйича текшириб чиқилади);

- Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиш ҳолати;

- Мол-мулк бутлиги, мансабдор ва моддий жавобгар шахслар фаолияти.

2. Ҳар бир объект бўйича текшириш тестлари тузиб чиқилади ва улар бўйича исботу-далиллар тўпланади.

3. Ҳар бир объект бўйича текшириш натижаси аниқланади, яъни аудитор текширган объект бўйича ҳисоб маълумотининг тўғрилигини тасдиқлауди ёки унда қанчалик четланиш борлигини исботлаб беради. Текшириш натижалари тегишли оралик ва йиғма жадваллар кўринишида расмийлаштирилади. Йиғма жадвалларнинг маълумотлари оралик жадвалларнинг якуний маълумотлари билан тўлиқ мос бўлиши керак. Четланишлар мавжуд объектлар бўйича ушбу четланишларнинг миқдорини, уларни нима ҳисобидан келиб чиққанлигини кўргазмали ифодаладиган аналитик жадваллар тузилади. Тузилган жадваллар натижаларини аудиторнинг ҳисоботида акс эттирилади ва улар изоҳлаб берилади.

Янги иқтисодий тизимнинг муҳим қисмларидан бири иқтисодий таҳлил ва ҳисобланади. Аҳоли орасида мулкдорлар синфи тобора кенгайиб борган сари аудиторлик касбига, фаолият турига бўлган ҳурмат янада кучаймоқда. Республикамиз қонунчилигининг илк шаклланиш босқичларидаёқ ушбу фаолиятни замонавий талаб даражасида ташкил

этишни назарда тутган ҳолда аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун қабул қилинган ва ҳозиргача амал қилиб келмоқда. Ушбу қонун 2000 йилда янада мукамалроқ даражада шакллантирилиб қайта таҳрирдан чиқарилди.

Унинг ташкил топиши ва шаклланиши жуда улкан тарихий даврни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда аудиторлик фаолияти тизими барча ривожланган ва ривожланаётган дунё мамлакатларида тобора оммавийлашиб бормоқда.

Аудиторлик фаолияти ўз ичига бир вақтинг ўзида бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқ, иш юритиш, иқтисодий таҳлил, истиқболлаш каби катта-катта соҳаларни қамраб олади. аудиторлик фаолиятининг натижаси ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқий фаолият “кўзгуси” эканлигини тан олиш жоиздир. Шу сабабли ҳам республикамызда ушбу соҳа билан шуғулланиш ҳуқуқида сертификатлаш тизимининг жорий этилиши ўзига хос аҳамият касб этишидан далолат беради.

Республикамызда, таъкидлаб ўтилганидек соҳасига доир жуда кўпдан-кўп ислохотлар амалга оширилган бўлиб, улар жумласига миллий стандартларининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши ҳам киритиш ўринли. Соҳанинг кенг қамровли хусусиятга эга эканлиги ушбу фаолият тури билан банд бўлган мутахассислар учун ягона иш юритиш тизимини таъминлаш мақсадида миллий стандартларнинг қабул қилиниши зарурий ҳол даражасига кўтарилади. Мазкур миллий стандартлар жаҳон андозалари талаб даражасида тўзилиб, бунда мамлакатимиздаги миллий хусусиятлар ҳам бевосита назарда тутилган.

Бугунги кунда Республикамызда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан аудиторлик фаолиятида тўлиқ ва ишончли ахборотлар билан таъминланиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш каби аудиторлик фаолиятида ҳам

автоматлаштирилган ахборот технологияларини жорий қилиш давр талаби бўлиб қолди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, аудиторлик соҳасида ҳам автоматлаштирилган ахборот технологиясини яратиш ва унинг вазифаси қилиб, қуйидагиларни белгилаш мумкин:

2) орлар ишининг тезкорлигини ва меҳнатнинг самарадорлигини ошириш;

3) аудиторлик текширувига ишлаб чиқариш субъектларини рўйхатга олишда маълумотларнинг ишончлилигини ва ни олиб бориш қонунчилигига риоя қилишни назорат этишни самарадорлигини ошириш;

4) бухгалтерлик ҳисобини сифатини ва тезкорлигини яхшилаш;

5) барча аудиторлик идораларини қонунчилиги бўйича тўлиқ ва ўз вақтида ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш;

қоғоздаги ҳужжатлар айланмаси ҳажмини қисқартириш;

- аудиторлик фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида бу борада қабул қилинаётган қарорларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш.

III-боб бўйича хулоса

1. Пахта тозалаш корхоналарининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда замонавий шароитларда нисбий катталиклар ниҳоятда муҳим рол ўйнайди, чунки улар жорий даврга инфляциянинг бузувчи таъсирини юмшатади.

2. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, аудит тизими фаолиятини такомиллаштириш учун биринчи навбатда уларнинг муайян ҳолатда фаолият юритиши учун стандартлар керак бўлади, бунинг учун халқаро аудит стандартларидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларида ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланиш ўринли.

3. Пахта тозалаш корхоналарини комплекс аудитдан ўтказиш тизимида фойдаланилган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий

аҳволини тўлиқ ифодаловчи коэффициентларни ишончилигини аниқлаш мақсадида коэффициентлар ўртасидаги боғлиқлигини, аҳамиятлилигини корреляцион ва регрессион таҳлиллари орқали текшириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Тадқиқот натижасида томонидан олиб борилган тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Тадқиқот натижасида “ички аудит” тушунчасига такомиллашган муаллифлик таърифи берилди.

2. Тадқиқот натижасида “ташқи аудит” тушунчасига такомиллашган муаллифлик таърифи берилди.

3. Комплекс аудитни ўтказиш тартибини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлашни режалаштирилган ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодийни модернизациялаш шароитида ички аудитни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларни техник-технологик жиҳозлаш ўз навбатида уларнинг активлари ҳисобини 1 млрд. сўмдан ортишини таъминлайди.

4. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таҳлил усулларида пахта тозалаш корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини текширишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ҳисобланган натижавий кўрсаткичларни таққослаш орқали Кузатув кенгашига илмий асосланган маслаҳатлар бериш учун қуйидагича хулосалар қилиш имконияти келиб чиқади

А) Тезкор ликвидлик коэффициенти меъёр доирасида, жорий ликвидлик коэффициенти меъёрдан паст, бу жорий (янада шошилиш) мажбуриятларнинг тахминан ярми пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ҳисобига қопланиши мумкин, бироқ жорий мажбуриятларни бажаришда қийинчиликлар хавфи мавжуд.

Б) Жорий ликвидлик ҳисоб-китобида узоқ муддатли кредиторлик қарздорлиги ҳисобга олинмаган, чунки у кейинги даврларда тўланиши керак. Бироқ, узоқ муддатли кредиторлик қарздорлигининг узоқ муддатли ва жорий қисмлари ўртасидаги нисбатни ўзгартириш таҳлили баланс кўрсаткичларини яхшилаш учун жорий қарздорликнинг бир қисмини узоқ

муддатли кредиторлик бўлимида кўрсатиш эҳтимолини тахмин қилишга мажбур этади.

6. Тадқиқотда пахта тозалаш корхоналарида фаолият юритаётган ички аудит тизими текширувини ишончлилиги ва аниқлилигини такомиллаштириш учун “Ҳисоботларнинг шакл ва мазмуни принципи” талаблари таклиф этилди.

7. Пахта тозалаш корхоналари молиявий аҳволини ички аудитдан ўтказишда унинг молиявий барқарорлиги даражаси бўйича гуруҳлашга имкон берадиган мутлақ кўрсаткичларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун тадқиқот ишида молиявий барқарорлик ички аудитини ўтказишда таҳлил амалларидан фойдаланиш таклиф этилди.

8. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда замонавий шароитларда нисбий катталиклар ниҳоятда муҳим рол ўйнайди, чунки улар жорий даврга инфляциянинг бузувчи таъсирини юмшатади.

Шундай қилиб, тадқиқот ишида пахта тозалаш корхоналарида комплекс аудит ўтказиш ва ривожлантириш истиқболлари бўйича тавсия этилаётган таклифлар мустақиллик, махфийлик, ахборот таъминоти, ахборотни олишдаги тезкорлик, комплекс аудитнинг замонавий хўжалик юритувчи субъектни бошқариш тизимидаги ролини ошириш имконини беради. Пахта тозалаш корхоналарининг молиявий барқарорлиги фақат маблағлар манбаларининг таркиби билан эмас, балки уларнинг молиявий ҳисобот активларига тўғри киритилганлиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун аудитор ўзлик маблағлари тузилмасини баҳолаш билан бирга, хўжалик юритувчи субъект қарз маблағлари тузилмасини ҳам ўрганиши керак. Умумман олганда барча хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини қанақа даражаларини билиш учун аудиторлик текширувини ўтказишлари мақсадга мувофиқдир.

ИЛОВАЛАР

1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Стандартнинг номи	Номери	Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган санаси ва рақами	Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган
Аудитни режалаштириш	3-сон	14.07.1999 й. N 54	10.11.1999 й. N 837
Аудит иши сифатини назорат қилиш	5-сон	04.08.1999 й. N 62	03.09.1999 й. N 811
Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар	4-сон	21.08.2006 й. N 76	
Аудиторлик текширувини ҳужжатлаштириш	6-сон	04.08.1999 й. N 61	03.09.1999 й. N 812
Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги	9-сон	04.08.1999 й. N 63	03.09.1999 й. N 813
Молиявий ҳисоботда бўлган бошқа ахборот	10-сон	09.09.1999 й. N 75	23.09.1999 й. N 822
Маълумотларнинг компьютер ишлови (МКИ) шароитида аудит	11-сон	09.09.1999 й. N 76	23.09.1999 й. N 823
Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш	12-сон	29.12.2006 й. N 108	
Таҳлилий таомиллар	13-сон	04.08.1999 й. N 64	03.09.1999 й. N 814
Аудиторлик танлаш	14-сон	27.07.1999 й. N 59	03.09.1999 й. N 815
Эксперт хизматидан фойдаланиш	16-сон	27.07.1999 й. N 60	03.09.1999 й. N 816
Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганида аудиторлик ташкилотининг иш тутиши	24-сон	31.05.2001. № 49	30.06.2001й. N 1045
Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишни текшириш	25-сон	27.01.2003. № 14	28.02.2003. № 1223
Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш	31-сон	31.05.2001 N 48	21.06.2001й. N1043
Аудиторлик далиллари	50-сон	03.02.2002 № 48	18.04.2002й. N1128
Алоқадор шахслар ўртасида битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари	55-сон	27.01.2003. № 15	03.03.2003. № 1224
Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар	56-сон	09.04.2003 N 54	

Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш	60-сон	27.01.2003 N 16	20.02.2003 й. N 1221
Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси	70-сон	14.02.2001 й. N 20	10.03.2001 й. N 1016
Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи	80-сон	27.01.2003 N 13	19.02.2003 й. N 1220
Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари	90-сон	14.02.2001 й. N 19	10.03.2001 й. N 1017

2008 йилда модернизация қилинган Челак пахта тозалаш корхонасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				Ўртача 2008-2010 йиллар	Ўзгариш суръати, %
			2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил		
1	Тайёрланган пахта хом-ашёси	т	59 660	55 625	45 075	49 939	50 213	84,2
2	Қайта ишланган пахта	т	32 783	44 828	38 539	35 017	39 461	120,4
3	Тола чиқиши	%	33,68	33,06	32,84	33,24	33,05	-0,63
4	Ишлаб чиқарилган тола, жами	т	11 042	14 822	12 657	11 641	13 040	118,1
5	Толанинг сифати (оптимал ва юқори синфларда)	%	97	99	99,5	100	99	103,0
6	Линт чиқиши	%	2,77	2,85	2,39	2,47	2,59	-0,18
7	Ишлаб чиқарилган линт, жами	т	907	1 279	923	866	1 023	112,8
8	Чигит чиқиши	%	52,35	50,59	47,52	53,06	50,32	-2,03
9	Ишлаб чиқарилган чигит, жами	т	17 161	22 677	18 315	18 581	19 858	115,7
10	Ишлаб чиқаришда электрэнергия сарфи	млн сўм	467	216	250	317	261	55,8
11	Асосий фондлар, жами	млн сўм	970	3 285	3 846	3 896	3 675	379,0
	ш.ж.: Ишлаб чиқариш	млн сўм	650	1 268	1 090	1 138	1 165	179,4
	Ноишлаб чиқариш	млн сўм	320	2 017	2 756	2 758	2 510	784,4
12	Иш ҳақи фонди	млн сўм	-	1 331	851	609	930	-
	шу жумладан : ишлаб чиқариш	млн сўм	-	547	346	316	403	-
	1 тонна толага иш ҳақи фонди	сўм	-	89 804	67 237	52 321	71 349	-
	шу жумладан : ишлаб чиқариш	сўм	-	36 880	27 341	27 115	30 888	-
13	Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати	млн сўм	17 400	26 626	25 814	26 550	26 330	151,3
14	Ишлаб чиқариш таннарни	млн сўм	17 178	26 210	25 782	26 361	26 118	152,0
15	Олинган соф фойда	млн сўм	160	223	94	265	179	112,4
16	Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	0,90	0,97	0,39	0,98	0,69	-0,22

2010 йилда реконструкция қилинган Тойлоқ пахта тозалаш корхонасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		Ўзгариш суръати, %
			2009 йил	2010 йил	
1	Тайёрланган пахта хом-ашёси	т	35 582	33 293	93,6
2	Қайта ишланган пахта	т	35 433	28 464	80,3
3	Тола чиқиши	%	33,66	34,21	0,55
4	Ишлаб чиқарилган тола, жами	т	11 928	9 738	81,6
5	Толанинг сифати (оптимал ва юқори синфларда)	%	95	95	100,1
6	Линт чиқиши	%	2,51	1,95	-0,57
7	Ишлаб чиқарилган линт, жами	т	890	554	62,2
8	Чигит чиқиши	%	51,97	45,42	-6,55
9	Ишлаб чиқарилган чигит, жами	т	18 415	12 928	70,2
10	Ишлаб чиқаришда электрэнергия сарфи	млн сўм	262	259	98,9
11	Асосий фондлар, жами	млн сўм	1 551	3 209	206,9
	ш.ж.: Ишлаб чиқариш	млн сўм	988	2 466	249,6
	Ноишлаб чиқариш	млн сўм	563	743	132,0
12	Иш ҳақи фонди	млн сўм	765	841	109,9
	шу жумладан : ишлаб чиқариш	млн сўм	383	403	105,2
	1 тонна толага иш ҳақи фонди	сўм	64 115	86 318	134,6
	шу жумладан : ишлаб чиқариш	сўм	32 092	41 343	128,8
13	Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати	млн сўм	25 228	22 225	88,1
14	Ишлаб чиқариш таннарни	млн сўм	25 688	22 378	87,1
15	Олинган соф фойда	млн сўм	322	522	162,1
16	Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	0,95	2,11	1,16

2009 йилда реконструкция қилинган Жума пахта тозалаш корхонасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			Ўртача 2009-2010 й.	Ўзгариш суръати, %
			2008 йил	2009 йил	2010 йил		
1	Тайёрланган пахта хом-ашёси	т	49 917	39 394	49 299	44 347	88,8
2	Қайта ишланган пахта	т	54 032	47 580	35 161	41 371	76,6
3	Тола чиқиши	%	33,13	32,84	34,52	33,55	0,42
4	Ишлаб чиқарилган тола, жами	т	17 902	15 627	12 136	13 882	77,5
5	Толанинг сифати (оптимал ва юқори синфларда)	%	95	99	100	100	105,2
6	Линт чиқиши	%	3,12	2,19	2,91	2,49	-0,63
7	Ишлаб чиқарилган линт, жами	т	1 685	1 040	1 023	1 032	61,2
8	Чигит чиқиши	%	50,16	46,42	53,42	49,39	-0,77
9	Ишлаб чиқарилган чигит, жами	т	27 100	22 085	18 784	20 435	75,4
10	Ишлаб чиқаришда электрэнергия сарфи	млн сўм	283	325	488	406	143,6
11	Асосий фондлар, жами	млн сўм	1 731	3 654	8 348	6 001	346,7
	ш.ж.: Ишлаб чиқариш	млн сўм	1 686	1 945	5 406	3 675	218,0
	Ноишлаб чиқариш	млн сўм	45	1 709	2 942	2 326	5 200,7
12	Иш ҳақи фонди	млн сўм	985	676	954	815	82,8
	шу жумладан : ишлаб чиқариш	млн сўм	549	368	479	423	77,1
	1 тонна толага иш ҳақи фонди	сўм	55 017	43 274	78 618	58 724	106,7
	шу жумладан : ишлаб чиқариш	сўм	30 671	23 525	39 469	30 495	99,4
13	Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати	млн сўм	28 356	30 293	27 064	28 678	101,1
14	Ишлаб чиқариш таннари	млн сўм	27 997	29 683	27 045	28 364	101,3
15	Олинган соф фойда	млн сўм	246	130	283	207	84,0
16	Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	1,03	0,39	1,01	0,70	-0,33

АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ РЎЙХАТИ

100-сон ХАС	«Халқаро аудит стандартлари ва турдош хизматларга изоҳ»
110-сон ХАС	«Терминлар глоссарийси»
100-сон ХАС	«Халқаро аудит стандартларининг концептуал асослари»
200-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва уни тартибга солувчи асосий тамойиллар»
210-сон ХАС	«Аудит ўтказиш тўғрисидаги келишув хати»
220-сон ХАС	«Аудит сифатини назорат қилиш»
230-сон ХАС	«Хужжатлаштириш»
240-сон ХАС	«Алдаш ва хато»
250-сон ХАС	«Молиявий ҳисобот аудити бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш»
300-сон ХАС	«Аудитни режалаштириш»
310-сон ХАС	«Бизнесни билиш»
320-сон ХАС	«Аудитда муҳимлик»
400-сон ХАС	«Таваккалчиликни ва ички назорат тизимини баҳолаш»
401-сон ХАС	«Компьютер ахборот тизими шароитида аудит»
402-сон ХАС	«Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизматларидан фойдаланувчи субъектлар аудитига доир саволлар»
500-сон ХАС	«Аудиторлик далиллар»
501-сон ХАС	«Аудиторлик далиллар – аниқ моддаларга тааллуқли қўшимча саволлар»
510-сон ХАС	«Дастлабки молиявий ҳисобот аудитида бошланғич қолдиқлар бўйича аудиторнинг маъсулияти»
520-сон ХАС	«Таҳлилий амаллар»
530-сон ХАС	«Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари»
540-сон ХАС	«Ҳисоб баҳолашларнинг аудити»
550-сон ХАС	«Манфаатдор томонлар»
560-сон ХАС	«Келгуси давр молиявий маълумотларини ўрганиш»
570-сон ХАС	«Узлуксиз фаолият»
580-сон ХАС	«Субъект раҳбариятига тушунтириш бериш»
600-сон ХАС	«Бошқа аудиторлар иш натижаларидан фойдаланиш»
610-сон ХАС	«Ички аудит хизмати ишини кўриб чиқиш»
620-сон ХАС	«Эксперт хизматидан фойдаланиш»
700-сон ХАС	«Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси»
710-сон ХАС	«Таққосланадиган кўрсаткичлар»
720-сон ХАС	«Текширилган молиявий ҳисоботларда бошқа ахборотлар»
800-сон ХАС	«Махсус мақсаддаги аудит шартномаси бўйича аудиторлик ҳисобот»
810-сон ХАС	«Истиқболли молиявий маълумотларни текшириш»
910-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича келишув»
920-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботга тааллуқли амалларни бажариш бўйича келишув»
930-сон ХАС	«Молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича келишув»

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА

Ушбу шартнома «____» _____ 200__ й.
«Агроаудитинформ» аудиторлик фирмаси (кейинги- ўринларда «Бажарувчи») номидан
фирма Низоми асосида иш юритувчи,
директор _____ ва
_____ (кейинги _____ уринларда «Буюртмачи») _____
номидан _____ асосида иш юритувчи _____ иккинчи томон бўлиб, ушбу
шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1. «Буюртмачи» аудиторлик текшириш, тафтиш, молия хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ёки молиявий фаолиятни текшириш, аудиторлик хулосаси тузишига топшириқ беради

2. Асосий воситалар, пул ва материал ресурсларини инвентаризация қилиш зарурати бўлганда «Буюртмачи»нинг бухгалтерия ходимлари ва бошқа зарур мутахассислар жалб этилиб, «Буюртмачи» нинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

3. Ишни қабул қилиш далолатномага асосан амалга оширилади. Имзоланиши шарт бўлган ҳужжат аудиторлик хулосаси бўлиб ҳисобланади. (зарур ҳолларда дебиторлар ва кредиторлар рўйхати (расшифровкаси) берилди).

4. Шартнома бўйича тўланадиган сумма

(рақам ва сўз билан)

Буюртмачи шартнома имзоланишидан сўнг уч кун ичида шартнома суммасини 100 % «Бажарувчи» нинг ҳисоб - китоб счётига ўтказиб бериши лозим. Шартнома суммасини тўлаш муддати ўтказиб юборилганда ҳар бир муддати ўтган кун учун шартнома суммасининг _____ % миқдорида пеня ҳисобланади.

5. «Буюртмачи» аудиторлик текшируви учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини олади: бухгалтерлик, касса, банк ҳужжатлари ва бошқалар, ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китоблари, олдинги тафтиш ва текширув материаллари.

6. «Бажарувчи» миқдорнинг текширишга алоқадор ходимларидан ёзма ёки оёзаки тушунтириш талаб қилиш ҳуқуқига эга. Тушунтириш беришдан бош тортиш ҳолларида шартнома суммасидан _____ % миқдорида қўшимча пеня ҳисобланади.

7. Агар «Буюртмачи» юқори ташкилот, аудиторлик текшириш эса шуъба корхона учун ўтказиладиган бўлса, у ҳолда «Буюртмачи»нинг вақили иштирок этиши шарт.

8. Агар иш кўп босқичли ва бир неча ойлар талаб этадиган бўлса буюртмачи томонидан ишни қабул қилиш босқич-ма-босқич амалга оширилади. Бу ҳолда агар буюртмачи қан-дайдир бир оралик босқич бўйича даъво қилмаса, у барча ишлар буткул тугаганидан сўнг даъво қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

9. Агар «Буюртмачи» иш муддати тугамасдан ўз ташаббуси билан шартномани бузса, у ҳолда у ишнинг бажарилган қисми учун тўлиқ ҳақ тўлаши лозим ва шартномани бузиши натижасида етказган моддий ва маънавий зарарлар учун _____ миқдорида жарима тўлаши лозим.

10. Бажарувчи аудиторлик текшируви ва аудиторлик хизмати кўрсатиши натижасида олинган ахборотлар махфийлигига риоя қилиш мажбуриятини олади.

11. Томонлар жавобгарлиги.

Ушбу шартномани бажармаганлиги ёки коникарсиз бажарганлиги учун «буюртмачи» ва «бажарувчи» амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мазкур шартнома суммаси доирасида мулккий жавобгарликка тортилади.

12. Шартноманинг амал қилиш муддати.

Бошланиши «__» _____ 200__ й.

Тугалланиши «__» _____ 200__ й.

14. Томонларнинг манзилгоҳлари, телефонлари ва реквизитлари.

Бажарувчи: _____

Ҳисоб рақами _____ МФО _____

Банк _____

Бажарувчи: _____ Буюртмачи: _____

М. Ў. _____

М. Ў. _____

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. – Т.: Адолат, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 февраль
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: Адолат, 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири) – Т., 2000 (ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).
7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистика тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 12 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 18 январь 2013 йил.
9. Ўзбекистон аудиторларининг 2005 йил 25 июлдаги Касбга оид Ахлоқ Кодекси. Аудиторлар учун қўлланма. –Т.: ЎзБАМА, 2007.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

10. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. -604 б.
11. Аудиторлар учун қўлланма. и.ф.д., проф. М.М.Тулаходжаеванинг умумий таҳрири остида. - Т.: ЎБАМА, 2005, – Б.196.
12. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2001. – Б.320.

13. Абдукаримов И.Т. Финансовая отчетность, ее характеристика и подготовка к анализу. Тамбов. ТГУ. 2002. – Б.85.
14. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. – Б.224.
15. Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: Молия, 2005. – Б.345.
16. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит.-Т.: Iqtisod-moliya, 2008. –Б.153.
17. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. М.: Финансы и статистика. 2004.
18. Мусаев Х ,Н. Аудит. Дарслик. Т.: Молия, 2003. – Б.220.
19. Маматов З.Т. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2007.
20. Пардаев М.Қ. Лойиҳа таҳлили. Самарқанд. 2001.
21. Подольский В.И. Аудит. М.: ЮНИТИ, 2006. – С.420.
22. Пугачёв В.В. Внутренний аудит и контроль. Организация внутреннего аудита в условиях экономического кризиса: учеб. –М.: Дело и сервис, 2010. – С. 224.
23. Санаев Н. Аудит. Т.: Билим нашриёти, 2004. – Б.267.
24. Тулаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. Т.: 1998. – Б.176.
25. Тулаходжаева М.М. Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. Т.: 1996.
26. Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. –Т.: “Мир экономики и права”, 1998. – С.176.
27. Темур тузуклари. Тошкент - Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.: 1996. – Б.160.
28. Ахмаджонов К.Б, Ёқубов И.И. Аудит асослари. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2009. – Б.286.
29. Маматов З.Т., Норбеков Д.Э. Аудит асослари-Т: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. – Б.140.

30. Налетова И.А., Слободчикова Т.Е. Аудит. – М.: Форум: ИНФРА –М, 2005. – С.176.
31. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. I-II-қисм. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 2001.
32. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. Т.: 2005. – Б.160.
33. Хасанов Н.Х., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳисоботини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999.
34. Хасанов Б.А., Зокирова М.Ш. Алибоев З.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2003. – Б. 162.
35. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Т.: Меҳнат, 2004.
36. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, бухгалтерлар ва аудиторлар миллий асоциацияси “Аудит” 1-2-том. Т.: 2004.
37. Аудит: Учебник для вузов / В.И.Подольский, Г.Б.Поляк, А.А. Савин и др. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – С. 186.
38. Аудит. Ўқув қўлланма. / Дўсмуратов Р.Д., Файзиев Ш.Н., Қўзиев И., Пўлатов Ғ. – Т.: ТМИ, 2007. Б.139.
39. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Файзиев Ш.Н., Ходжаева М.Х., Тулаев М.С. Аудит. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи”, 2008. I,II қисмлар.
40. Аудит. (дарслик). / Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Ахмаджонов К.Б., Ходжаева М.Х., Тулаев М.С. – Т.: ТДИУ, 2010. – Б.460.
41. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005. – 40 б.
42. Ғуломходжаев А. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди

илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.
Тошкент.: ЎзР Банк- молия академияси, 2009. –28 б.

Илмий журналлардаги мақолалар:

43. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 57-58.
44. Тўраев А.Н. Бюджет интизомини таъмин этишда ички аудит хизматидан фойдаланиш.// Иқтисод ва таълим.-Тошкент, 2009. -№4. – Б.123-126.
45. Бўтабоев М. Корпоратив назорат: ички аудит хизмати.// Корпоратив бошқарув. –Тошкент, 2007. - №3. – Б.9-15.
46. Имомов Ҳ. Ички хўжалик назорати. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. - №4. – Б.77.
47. Р.Д.Дусмуратов., Г.Файзиева. Ички аудит: хориж тажрибаси ва унинг аграр сектордаги истиқболи. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент. 2003. №11. – Б. 6.

Интернет сайтлари:

48. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
49. <http://www.iaa-ru.ru> (международные профессиональные стандарты внутреннего аудита).
50. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of internal Auditors – United Kingdom)